

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

ЙЎҚОЛГАН ҚИЗДАН МАКТУБЛАР

Қисса

Бу китобим мистика жанрида эмас, Америкада урф бўлган қўрқинч («ужас») йўналишида ҳам эмас. Бироқ ўқиганлар ваҳимага тушдим, дейишганида ҳайрон қолдим. Асар 2008 йилда ёзилган бўлиб, ўлимдан кейин марҳумдан келган сирли мактублар ҳақида эди. Тўйларда доира чалиб, кун кечириб юрган йигит кунларнинг бирида бир қизни учратади ва ҳаммаси ўшандан бошланади...



...

Китоб Азамат Қоржововнинг +99897 7138577 рақамли телеграм аккаунтидан харид қилинган. Китобни рухсатсиз тарқатиш, чоп этиш, веб-сайтларга жойлаштириш, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларда эълон қилиш, бошқа китоб форматларига ўтказиш ман этилади.

...

Азамат Қоржововнинг барча электрон китобларини +99897 7138577 рақамли расмий телеграм аккаунтидан қонуний олишингиз мумкин!

*Тошкент
2017*

~ 1 ~

Азамат Қоржовов
«Йўқолган қиздан
мактублар»
Қисса

Телеграм: +99897 7138577



Даштдаги қишлоқчада тўй айна қизиган пайт ёмғир шаррос қуйиб берди. Аксиға олиб дарахтлар йўқ ҳисоб. Нар-бери тортилган брезент чодир ёмғирни тўсолмай, меҳмонлар ҳам кетиш тараддудига тушиб қолишди. Аммо мастлар садоқат билан жойларида ўтиришиб баттар ичишар, уни ўчган карнайга, асбоб-ускуналарини йиғиштирган отарчиларга бир нималар деб хитоб қилишарди.

— Яланғоч даштда тўйхона ҳам яланғоч бўлди, — деди Отамурод ака. — Ўлай агар, бундай об-ҳавода мен опамникида қоламан. Уйини биласан-а, Элмир? Катта йўлга чиқишда, шундоққина чап томондаги бир гектар ҳовли.

Йигит жавоб бермади. Боядан бери у мазор томонда, гўё икки терак бўйи юқорида сузиб келаётган кўмирдай қора булутдан кўз узмаётганди. Ўн олтигаям кирмаган найнов шогирд чақирган эди, ёмғир суви

юзини ювиб, иягидан оқаётган Элмир ҳушини йиғиштириб олди.

— Тезроқ бўлсанг-чи, — койиди Отамурод ака, — нима бало, мастмисан? Опамникига ташлаб қўясан мени, деяпман. Ёмғир баҳона, қатикхўрлик қилмасам, бегона бўлиб кетаман. Жигарчилик ҳам осон эмас.

Элмир энди қозон бошига қаради. Коса-товоқ ювувчи қиз ва савлатдор хотин ғойиб бўлибди. Тўйбоши хизматкорларга бақириб-чақириб, нарсаларни йиғиштиргизмоқда.

Шу пайт Элмирнинг қараб-қараб қўйганини пайқаб, лой кечиб, яқинлашди.

— Артист укалар, узр, бизнинг даштда об-ҳавоям акс, — деди у сохта мулозамат билан. — Нима бўлса бориға барака, деймиз. Тўй ўзи охирлаб қолганди. Тўйгаям, ёмғиргаям, саноатларингизгаям... Барининг бориға барака!

— Нимаям қилардик, — Отамурод ака сўнгги ускунани қўлтиқлади, — биринчи марта ёмғирда қолишимизми!

— Сиз ўзимизнинг одамсиз, хафа бўлманг, — тўйбоши унинг елкасига қоқди. — Ичкарига кирамиз, поччангиз келган эди-я, ёдимдан кўтарилибди.

— Николайдан қолган "Запорож" таниш туюлди, айтдим-а, қайси қурумсоқники деб.

Улар кулишди. Элмирнинг кайфияти тушгандан тушди.

— Қани, укалар, сизлар ҳам, — дея тўйбоши четдаги уйга ишора қилди.

Маст-аластлар даврасида қисиниб ўтиришни тасаввур қилган Элмир "Дамас"и сари юраркан:

— Машинада кутаман, — деб тўнғиллади.

— Ие, Мажнуни шайдо, ёмон туш кўрганлар тўнини тескари кияверса, асаби бузилмаган одам қоладими?! Узоғи билан ўн дақиқа ўтирамин, — деди Отамурод ака.

— Яхши, ўн бир дақиқадан сўнг жўнайман.

Элмир рулга ўтириб, эшикни ёпди. Найнов йигит асбобларни жойлаштиргач, "Дамас"га чиқсамми, ҳофизга эргашсамми, дегандек иккиланиб бош қашиди.

— Бу ёққа юр, — унинг енгидан тортди Отамурод ака. — "Особий" меҳмонлар дашт тўйларида ташқаридаги стол-стулни эмас, пирхонани банд этади. Қўрқма, аянгга ўзим тушунтираман, эртага "Запорож" почча ўзи ташлаб келади. Эй, сен!.. — Ҳофиз Элмирга мурожаат этди. — "Инструмент"ларни тўғри уйингга оборавер, тушириб ўтирма, эртага яна тўй бор.

Ён эшик шиддат-ла ёпилди. "Дамас" мотори ўт олди. Тўйбошига кўз қисиб қўйган Отамурод ака муомаласини изоҳлади:

— Тушида болакай бўп қолганмиш. Аллақаёқдан қоп-қора от келиб, эшиклари тагида кишнабди. Вафот этган онаси (худо раҳмат қилсин) отга миндириб қўйибди. Бир пайт от қутуриб кетганмиш. Ана шунақа-а... ана шунақа-а қилиб... —

Ҳофиз ролга киришиб кўрсата бошлади. — Болапақир нимаям қилоларди, эгардан учиб тушибди. Бетонга йиқилгани етмагандек отнинг туёқлари остида мажақланиб кетибди. Ҳайрон бўлманг, бу ҳаммаси анави доирачимнинг туши. Қани, «бисмилло» деб, уйга бошланг. Ёмғирда ивиб тураверамизми?

Шифери туртиб чиққан уй ёнида туришганига аччиқ қилиб, ёмғир ҳам қиялатиб савалай бошлаганди.

Элмир шерикларининг тарнов қўйилмаган шифер тагидан уйга чопиб кирганларини кўрди, машинани юргизди. Ўнқир-чўнқир дашт йўлидан катта йўлгача бир неча чақирим бор. Асфальт номигагина қолган бу йўлда машина ҳайдашнинг ўзи бўлмайди. Элмир уф тортди...

Отамурод аканинг феълени яхши билади, муомаласига ўрганиб қолган. Бироқ бугун анави қиздан бўлак ҳеч кимни кўришни истамади. Қанийди, у билан гаплашса... Илк марта учратиши эмас. Бир неча тўйда кўрган, ҳар гал юраги жизиллаган. Аммо қозон бошига бориб, идиш ювувчи қизга бир нима деёлмади. Қизик, биронта бола орқали чақиртирса, қиз келармикан? Ҳалиги хотин дарров изидан бориб, гаплашишга қўймаса керак. Балки хотин таъмагир чиқар. Алоҳида ҳовли-жойи, "Дамас"и бор, кимсасиз, фирт бўйдоқ йигитни қўйвормай, қизни бўйнига илиб қўйса...

"Уйлансам арзийди", — деди Элмир ичида.

Сигарет тутатиб, аччиқ-аччиқ тортди. Отамурод аканинг "жигарчилик ҳам осон эмас" деган гапи дайди япроқ каби бирдан кўнгил ойнасига урилди.

"Менинг жигарларим йўқ... — деди у. — Ҳеч кимим йўқ. Ўттиз ёшимда, ҳеч қурмаса, уйлансам бўларкан. Хотиним, унинг қариндошлари, насиб этса, болаларим... Қанча қариндош!.. Борган сайин одамови бўлиб бораяпман. Йиққан-терганимга уй ва эскироқ "Дамас" олдим. Энди мебеллар олмоқчиман. Бир уюм жонсиз буюмлар орасидаги бахтсиз йигит бўлмоқчиманми?.. Барча шарт-шароитларни яратиб, кейин уйланаман, деб хато қилаяпман... Уйланаман, уйланмасам бўлмас экан".

Дашт ўртасидаги асфальт йўлда узоғи билан ўн беш қадам текис юриш мумкин, сўнгра гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга буриб, ўйиқларга чап бериш шарт. Асбоб-ускуналар сапчиб кетса, синади.

Канал бўйига яқинлашганида, олдинда яна шунча йўл борлигини ўйлаб, толиқиб кетди. Шу вақт ихота дарахтзори четида турган оқ "Жигули"га кўзи тушди. Шляпали киши чиқиб, қўл кўтарди.

— Ие, ҳофиз ука, ўзлари ёлғизми? — деди у ён эшикни очиб. — Бўш жой ўйлаганимдан ҳам кўп экан, бир кишини олиб кетмайсизми? Илтимос, ука.

— Машина бузилдими? — сўради Элмир.

— Жин ҳам ургани йўқ. Бошқа иш чиқиб қолди, шунга... — шляпали эркак хушомадомуз кулди.

— Бўпти, чақиринг, — деди Элмир ноилож.

У кўп гапирадиган одамларни ёқтирмасди. (Отамурод ака бундан мустасно.) Йўловчиларнинг аксарияти сергап бўлишади, машинага ўтирдими, ё жағлари очилиб қолишади, ё магнитофон қўйишларини сўрашади.

Шляпали эркак "Жигули" томон қўл силкиди. Кейин Элмирга қараб:

— Адашмасам, заводгача борасиз-а? — деди. — Қизимизни бекатга ташлаб қўйсангиз, у ёғи бир қадам, пиёдаям кетаверади.

Элмир беихтиёр ўгирилиб, бежирим костюмча кийган хушсуврат қизни кўрди. Кўзларига ишонмади. У коса-товоқ ювувчи қиз эди. Рўмолини ечиши, қоп-қора сочини турмаклаши, костюмча кийиши бир қарашда ўзга қиёфада кўрсатар экан.

Шляпали киши Элмирнинг ёнига ундаса-да, қиз орқада ўтиришни истади.

— Яхши боринглар, — деди эркак мийиғида кулиб.

Элмирнинг кўнгли ёришди. Ёмғир ҳам тиниб, дашт жаннатга айланди. Йўлнинг узоқлиги қандай яхши. Айниқса, магнитофондан кўнглини кўтарадиган қўшиқ таралса...

Элмир пешойнадан мўралашга ҳайиқди. Бироқ энди жим ўтиролмас эди. Магнитофон қўйганининг ўзиёқ қизни чўчитиб юборганини сезса-да, томоқ қириб, сўради:

— Сиз шаҳарчаданмисиз?

— Ҳа, — деди қиз пешойнага ўғринча қараб қўйиб.

Оҳу кўзларида Элмирнинг юрагини жизиллатувчи ўша ўт бор эди. Қачонлардир қиз билан ёлғиз қолишни, худди шундай энтикишини йигит биларди, кутарди, интизор эди.

— Сизни танийман, лекин исмингизни билмайман, — Элмир бошини хиёл бурганди, қиз дарров нигоҳларини олиб қочди.

— Тўйларда кўрганман. Ёнингиздаги аёл кимингиз? Нега у "Жигули"да қолди?

— Иши бор экан.

— Иши денг... Одам ўзи опкелган шеригини ярим йўлдан бунақа ташлаб кетмаслиги керак. Кечирасиз, у сизга ким?

— Холам.

— Эркак-чи?

— Таниши.

Элмир ҳаммасини тушуниб, қизнинг бетайин хола қўлида ишлашига ачинди.

— Ота-онангиз борми? — Элмир сўрашга сўради-ю қизни хафа қилишдан чўчиб, дарҳол ўз аҳволини қўшиб қўйди: — Менинг на ота-онам, на қариндош-уруғим бор. Болалар уйда катта бўлганман.

— Ота-онам... — қиз бир муддат тин олди. — ... ота-онам бирга яшашмайди. Учаламиз уч ёққа тарқаб кетганмиз.

— Нега? — Элмир магнитофон овозини пасайтирди. — Масалан, менинг ота-онамни ўлдириб кетишган. Чақалоқ ҳолимда бир одам олиб қочган, сўнг болалар уйига топширган. Душманлар ахтариб топмасин деб, мен ҳақимда аниқ маълумотлар

бермаган. Ким билади, балки бу хаёлпараст тарбиячимнинг афсонасидир.

— Бизникиларнинг феъли тўғри келмаган, — қиз энди очилиброқ сўзлади. — Дадам баджаҳл, аям хушчақчақ. Кўп жанжаллашдилар, дадам аямни уриб, ҳатто судга тушдилар. Ахийри, ажрашишди.

— Холангизникида яшашни маъқул кўрдингизми?

— Аслини олганда, холамникида ҳам вақтинча турибман. У аямнинг амакисининг қизи, туғишган хола эмас.

Мақтабни тамомлаганимга орти йил бўлибдики, худди кўчада қолгандайман. Ўқувчилик даврида тўрт йил тоғамникида, бувимникида уч йил, аммамларникида бир йил яшадим.

— Ноқулай бўлсаям бир нарсани сўрасам майлими?

Қиз зийрак экан, латиф жилмайиб, деди:

— Турмушга чиқмаганмисиз демоқчимисиз?

— Топдингиз. Лекин турмушга чиқмаганингиз таржимаи ҳолингиздан билинди, узр.

— Битта-иккиталар келин қилмоқчи бўлишган. Қарасалар, тайинли яшаш жойимнинг ўзи йўқ. Тарбиямниям шунга яраша деб айниб кетганлар. Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин.

— Тўғри айтасиз. Келинг, танишиб қўйайлик. Исмин Элмир. Завод маҳалласида яшайман. Ёшим ўттизда. Доирачиман.

— Сайёра, — деди қиз қимтинибгина.

Элмирнинг тушкун кайфиятидан асар ҳам қолмади. У

ўзини бунчалар бахтиёр ҳис қилмаган эди. Бир неча бор ўйинчи қизларни уйларига ташлаб келишга тўғри келган. Йўлда суйкалганлари ҳам бўлган. Бир сафар "Дамас" бузилиб, ўн тўққиз ёшли кўҳликкина жувон билан тонггача қолиб кетди. Бироқ бундан у заррача хурсандчилик ҳис қилмади...

— Қўшиқ ҳам айтасизми? — сўради қиз.

— Ҳофизга жўр бўламан, аммо мустақил куйламайман... Сайёра, бошқа иш топсангиз бўлмайдами? Истасангиз, иш топиб беришим мумкин.

— Шундоғам энди холам билан чиқмайман. У кишининг пиёниста бўлсаям эри бор. Лекин, ҳозиргина кўрдингиз, таниши билан канал бўйидаги қишки шийпонда қолишга қарор қилди. Бугун поччамни, холаваччаларимни алдашим керак. Бу — биринчиси эмас.

— Иш топиб бераман, Сайёра.

Қиз четга қаради. Элмир унинг чеҳрасига тикилар экан, иш масаласида атайин индамаётганини фаҳмлади. Танимаган йигити бирдан раҳмдиллик билан иш таклиф қилса, ёмон хаёлга бориши турган гап эди. Ҳолбуки, доирачи ҳеч қандай таъмани кўнглига келтирмади.

— Раққосалик деб ўйламанг тагин, — деди Элмир. — Сиз ўзингизга муносиб ишда ишлайсиз.

— Болаларингиз борми? — деди Сайёра жиддий оҳангда.

— Менингми? Мен... уйланмаганман.

Шундан сўнг қиз пешойнага синчковлик ила боқди: нигоҳлар тўқнашди. Элмирнинг наздида буларнинг бари қисматига худди шундай битилган эди. Бугундан бошлаб ҳаётида янги саҳифа очилган, бу саҳифа бахтдан бўлак нарса эмас, баайни шу қиз гўё унинг умр йўлдоши, улар ажойиб оила қурадилар... "Нега энди қаримсиқ хотин эмас, гўзал қиз учради бепоён даштда? — деган савол жаранглади. — Нега Отамурод ака ва найнов худди шу бугун тўйхонада қолишди? Ҳеч бунақа одатлари йўқ эди-ку... Ва шляпали киши хушторини ахтариб тўйга бориши-чи?.. Ҳеч бўлмаса, анави хотин хиёнатга юрмаганида, мен Сайёра билан яқиндан танишмасдим..."

Шу тобда Элмир ўз-ўзидан тушини эслади. Отдан йиқилиб ўлгач, уни дафн этишибди. Болакай бўлгани учун қабри ҳам кичкина ва саёзроқ эмиш. Тупроқ тортилиб, ҳаво етишмай қолибди. Бақирса, овози чиқмасмиш. Ёз бўлишига қарамай (ёз эканлигини битта иштончада қонга беланиб ўлганидан билди) гўр ичи ниҳоятда совиб кетибди. Кўп ўтмай у титраб-қақшаб тупроқни тирнай бошлади. Бармоқчалари толиб, тирноқлари синиб ачишиб, қабрдан чиқибди. Атроф зулмат қўйнида эмиш. Аъзои баданига қараса, от мажақлаган жойлари битиб кетганмиш. Йиғлаб-йиғлаб йўлга тушибди. Аммо қаёққа юрмасин, фақат қабрларга дуч келаверибди. Сўнгги кучини тўплаб, бир тепаликка чиқибди. Шу он чақмоқ чақибди ва бир лаҳза теварак-олам ёришиб

кетибди. Не кўз билан кўрсинки, кўз иллаган ҳудудларгача чек-чегараси йўқ қабристон ястланиб ётганмиш...

Тушини оний лаҳзада хаёлидан ўтказар экан, "марҳума онам мени қора отга миндирди, бунинг таъбири нима экан?" деб кўнглидан кечирди.

— Элмир ака, — деди қиз кутилмаганда, — анави кампирни олиб кетинг, илтимос.

— Нима?.. Қани?

Элмир ихота четида ўтирган кампирни энди кўрди. У худди чуқурчага тушиб, ўт-ўланлар орасидан пойлаётганга ўхшарди.

"Дамас" орқага юрди. Сигнал берилди. Кампир ниманидир қучоқлаб ўтирарди чоғи, истамайгина бош кўтарди ва қўл силкиган бўлди. Ҳадемай қош қораяди, овлоқ жойда ёмғир маҳал нима қилиб ўтирибди?

Элмир тушиб, кампир сари юрди-ю таққа тўхтади. Юзи рўмол билан буткул ўраб ташланган қиз кампирнинг тиззасига бош қўйиб ётарди. Иккиси ҳам, ямоқ солинмаган бўлса-да, хароб кийинган эди.

Йигитдаги ҳайрат аломатлари Сайёрани ҳам "Дамас"дан тушишга ундади.

— Нима бўлган уларга? — деди Сайёра хавотир билан.

— Билмасам... — елка қисди Элмир.

Кампир ёнига энгашиб, нос туфлади. Рўпарасида қотиб турган йигит ва қизни шу кўйда ўтиришлари таажжубга солганини тушунди, шекилли:

— Ҳайрон бўлманглар, болаларим, — деди. — Неварам

жуда чарчади. Нос чекиб, мен ҳам ухлаб қолай дебман... Сулув, Сулувжон уйғон, эна қизим.

Кампир тўрттач, қиз рўмолга чирмалган бошини кўтарди. Фақат кўзларигина очиқ қолдирилган эди. Элмирнинг қулоғига ғалати товуш эшитилди, мисоли айиқ боласининг ноласи.

Ўрнидан туриши ва ўзини тутиши ҳам қандайдир беўхшов эди. Юз-кўзи чирмаб ташланганини кўриб, Элмир "мохов эмасмикан?" деган шубҳага борди. Сесканиб тушган эса-да, мажбуран жилмайиб:

— Қаерга борасиз, момо? — деб сўради.

— Жийдалига. Неварамни Ҳаёт бахшига олиб борувдим. Уч кундан бери алаҳсирайди, фол очсин, куф-суф қилсин, десам уйда йўқ экан. Қайтишда дарров мошин кела қолди. Ўтирганимиздан сўнг билибман мастлигини, тўғри сувнинг ичига солди, уйинг куймагур.

— Қани? Қаерда?

Кампир катта йўлга етмасдан бошланажак сариқ тупроқ конига ишора қилди. Элмир фалокат юз берганини тушуниб, дўнгликка чиқаётганида, "Москвич" моторининг ўкирганини эшитди. Сўнгра машинанинг ўзи кўринди. Ҳақиқатан, ҳайдовчи маст: тупроқ конидан ўтиб олиб, йўлнинг нотекислигига қарамай газни босди.

— Момо, тулинг, ёрдамлашаман, — деди Сайёра. — Сизларни йўл-йўлакай ташлаб ўтамиз. Жийдали яқинми?

Қишлоқ ҳақида Элмир ҳам эшитмаган эди. Уларни "Дамас"га

чиқаришгач, йигит таваккал қилиб олдинга ҳайдади. Бироқ йўлни лойқа бўтана кўмиб кетганди.

— Ўтолмаймиз, — Элмир машинани тўхтатди. — “Москвич” ботиб қолмаганига ҳайронман.

— Болам, — деди кампир, — мошинангни орқага бур, сенга бошқа йўл кўрсатаман.

— Бошқа йўл? — ажабланиди Элмир ва ёнида ўтирган Сайёра билан кўз уриштирди.

— Сиз қанақа йўлни биласиз бу очиқ далада? — ҳайрон бўлди идиш юувчи қиз ҳам ортига ўтириларкан.

— Канал ёқалаб юрилади... — деди кампир.

Латта-путтага чирмалган қиз яна бўғиқ товуш чиқариб, бошини телбавор силкиди. Элмирнинг димоғига алақандай ёқимсиз ҳид урилиб, тишини тишига босди. Агар Сайёра сабабчи бўлмаганида, ҳеч қачон кампирга тўхтамасди. Аммо Сайёрани учратганидан ҳам мингдан-минг рози эди.

“Дамас” ноилож ортга қайрилди. Вақт ўтаётгани, йўл анча-мунча айланиш бўлгани моховсифат қизнинг қувониши — Элмирга ўзи билмаган ҳолда хуш ёқа бошлади.

— Чапга, болам. Бурилиб ол-да, тикка ҳайдайвер. Ҳали кўрасан, ўзинг ҳам кутмаган текис йўлга чиқасан, ширғай асфальт.

Каналда қора сув тўлқинланиб оқарди. Элмир эҳтиёткорлик ила машинани қўшоёқ йўлдан ҳайдаб кетаверди. Каналга қараш баҳонасида тез-тез Сайёранинг ҳусну малоҳатига боқади. Гўё

машинани у бошқараётгандек, кампир ва неварасини ўзи олиб кетаётгандек ниҳоятда жиддий, серташвиш.

— Ишни нима қилдик? — сўради Элмир.

— Ўйлаб кўрай.

— Нимасини ўйлаб кўрасиз? Ўзингизга муносиб иш топиб бераман, Сайёра. Ахир...

— Коса-товоқ ювиш паст иш демоқчимисиз? Фикрингизга қўшилмайман.

— Қиз боланинг бегона жойларда тўйма-тўй юриши...

Тўсатдан Сайёранинг авзойи ўзгариб, Элмир тилини тишлади. У илк учрашув онлариданоқ қизни ниҳоятда қисти-бастига оладиган бадгумон йигитга ўхшаб қолганди.

“Уни севиб қолдим, — ўйлади Элмир. — Бежиз бўшашиб, кўзларим тиниб бормаяпти. Оҳ, унинг ёнимда ўтиришиёқ қанчалар ёқимли-я! Аслида биринчи бор кўрганимда юрагим унга талпинган эди...”

— Гапларингга қараганда, эр-хотин эмас экансан икковинг, — деб қолди кампир. — Неварам ҳам эрга тегмаган.

Бу гапни эшитиб, касал қиз сапчиб тушди ва эшикка қисилиб олди.

— Бир яхши йигит учраса узатсам дегандим. Ота-онаси қўлимга ташлаб, Россияга ишлашга кетган. Хабар ҳам олмайди, хат ҳам юбормайди. Сулув шу тийрамоҳда ўн саккизга киради, жойи чиқса берардим.

Элмир ва Сайёра йўлдан кўз узмас, негадир бир-бирига қараб қўйишга ботинолмас эди. Кампир

невараси ҳақида анча гапирди, сўнгра бу барно жуфтликка гаплари ёқмаётганини тушуниб оҳанги ўзгарди:

— Ҳа-а, одамнинг шоҳиям бир, гадосиям. Ҳаммамиз бир кун келиб, тупроқ бўламиз. Ҳеч ким қисматини олдиндан билмайди. Тўйига уч кун қолганда бошқа қизга уйланиб олган валламатларни ҳам кўрдик, хотинини хунук деб чиройлисининг изидан қувган, охир-оқибат хунук хотин иссиқ-совуқ қилиб, оёғини ўптирганларини ҳам кўрдик.

Элмир ҳайрон: нега кампир борган сайин оташ бўлмоқда? Шунда Сайёра деди:

— Момо, неварангиз ҳали ёш экан.

— Ёши яхши эмасми? — кампир олдинга энгашди, Сайёрага қарамади, икки кўзи Элмирда эди. — Бу қизнинг ёши нечида? А? Тоза оқила экан, билдик.

— Йигирма учдаман, — Сайёра ўзини хиёл нари олди.

Бемор қизни йўтал тутди. Кампир унинг рўмолини тортқилаб юзини салгина очди. Элмир ҳам, Сайёра ҳам ички бир амр ила беморга ўгирилишди ва беихтиёр юзлари буришди. Қизнинг юзи қизғиш-қорамтир яралардан шишиб кетган эди.

— Мошинангни тўхтат, неварам қайт қилади, — деди кампир.

"Дамас" чириган тол тагига бурилиб, тўхтади. Элмир уларни ташлаб кетишни ҳаёлидан ўтказар экан, виждони йўл қўймаслигини ҳам ҳис этди.

— Ким ўзи булар, а? — деди жиғибийрон бўлиб.

— Ғалати кампир экан, — Сайёра костюми енгини тортиб, қўлларини яширди. — Касалхонага оборса бўлмасмикан... И-и, бу ёқда ростдан ҳам текис йўл бор экан, қаранг.

Кичикроқ дўнглик ортидан бир киши велосипедда шитоб-ла ўтиб кетганини кўрган Элмир даставвал кўзларига ишонмади. Кампир неварасини етаклаб келиб:

— Шу йўлдан пастликка энсак, Жийдалига етамиз, — деди. — Болам, кўп яхшилик қилаяпсан, биздан қайтмаса, Худодан қайтсин. Катта жойларга куёв бўл.

Канал бўйини ортда қолдириб, толлар тагидаги лой йўлдан бир оз юрган "Дамас" асфальтга чиқди. Ёмғирда ювилган йўл ҳақиқатан ойна каби текис эди. Тезлик оширилди, магнитофондан шўх мусиқа тарала бошлади. Сайёранинг юзида яна ташвиш зуҳурлангач, Элмир қош қорая бошлаганига йўйди.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, бу ташвиш Элмирга кўчди. Бундай тезликда улар катта йўлга етиб олишлари лозим эди. Шу пайт булутлар орасидан ботаётган қуёш кўринди ва Элмир йўл бошқа томонга элтаётганини англади.

— Биз қаёққа кетаяпмиз ўзи? — сўради Элмир аччиқланиб. — Сиз айтгандингизки...

Кампир неварасини қучоқлаб, қовоғини уйди.

— Қўрқма, янги йўл бир оз айланиш, аммо уйингга етасан.

Элмир Сайёра учунгина индамади. Йўл тепалик пойига яқинлашган сайин дастлабки ўнқир-чўнқирлар учради. Бир томонда ташландиқ мол фермаси бинолари қатор-қатор тизилган эди. Сайёра тепаликдаги қабр тошларини кўриб, юзига фотиҳа тортди.

— Шу ерда яшаймиз, — деди кампир четдаги қоровулхонани кўрсатиб. — Эгаси жуда зиқна одам. Қоровуллимиз учун кўпинча ойлигимнинг ярмини беради. Ҳой ўғлим, шу ергача келдинг, уйгача ҳайда, неварам ухладими, хушидан кетдими, билолмаяпман.

— Қоровуллик қиладиган нима бор? — Элмир атрофга беҳафсала кўз югуртирди.

— Эгаси охурларни, синиқ шиферларни, девордаги гиштларни ўғирлаб кетишларидан жудаям кўрқади.

— Буларнинг эгаси ким? Айтинг, танирмикинман.

— Бир вақтлар ўз уйига ўт қўйиб, қизларини ёқиб юборган Муҳсин деган одам бўларди, эшитганмисан?

Сайёра ялт этиб кампирга қаради. Негадир коса-товоқ юувчининг ранги оқариб кетганди.

“Дамас” филдираги ариқчага тушиб, ҳадеганда чиқавермади. Қоровулхонагача юз қадамлар қолганди. Элмир гоҳ олдга, гоҳ орқага ҳайдаб, газни босди, аммо ёмғирдан сўнг кўпчиб турган ерга бошқа филдираклар ҳам тобора чуқурроқ ботаверди.

— Биз тушиб турайлик, — Сайёра фаромуш ҳолда сўзлади.

Элмир бош силкиди ва орқа ўриндиқдаги кампир билан неварасини жеркигандек:

— Етиб келганга ўхшаймиз, момо, — деди.

— Ҳа, етиб келдик, — кампир неварасининг зил-замбил гавдасидан тортқилай бошлади. — Сулув, тур, турақол. Ана, уйимиз, ана...

Қиз алланималар деб ғулдиради, ўзини тутолмай дам у ён, дам бу ёнга чайқалди. Юз-кўзини тўсиб турган рўмолнинг нақадар кирлиги, оғиз атрофи хўллиги Элмирнинг баттар ғижинини келтирди.

Бадбўй ҳиднинг димоққа гупиллаб урилиши, айниқса, ҳаммасидан ошиб тушди.

Бироқ Элмир ва Сайёра қари кишининг кап-катта қизни “Дамас”дан инқиллаб-синқиллаб туширишига қараб турулмасдилар. Ер лой. Олдинда юз қадамлик масофа турибди.

— Кечиринг, — шивирлади Сайёра.

Элмир унга қаради. Қиз бадбуруш кампир ва моховсифат неварасини ортиқча ташвиш қилиб олганлари учун ўзини ниҳоятда айбдор санаётганини, шу билан бирга, уларга раҳми келаётганини сездириб қўйди. Элмир беихтиёр туфлисига кўз ташлади: лой бир-икки жойига сачрабди, холос.

— Нега кечирим сўраяпсиз, Сайёра? — деди Элмир. — Юринг, момога ёрдамлашайлик. Биз олиб келмасак, даштда уларнинг ҳоли нима кечарди?!

Бемор қизни икки ёндан суяган Элмир ва Сайёра қоровулхона сари юришди. Осмонни яна булут қоплади. Боядан бери ботолмаётган қуёшнинг сўнгги чўғлари ҳам қора парда ортида қолди.

Кампир занглаган катта қулфга калит солиб, шоша-пиша очди. Ортига мункилаб тисарилар экан:

— Киринглар, чироқларим, киринглар, — деб манзират қилди.

Бир амаллаб остона ҳатлаб ўтишди. Беморни кампир кўрсатган пўстак устига ётқизганларидан сўнг орага бир лаҳзалик жимлик чўқди. Элмир ғира-ширада кампирнинг кўзлари ғалати йилтиллаётганини кўриб, юраги увишди.

— Момо... биз кетдик, — деди зўрға.

— Тўхта, болажоним, — кампир янада қоронғироқ бурчакка чекинди. — Чироқни ёқ, кейин кетасан.

— Чироқ тугмачаси қаерда?

— Муҳсин бу ерга келган электр симларини қирқиб, сотиб юборган, — бидиллай бошлади кампир. — Айтдим-ку, у қандай зиқна, хасис, бадбин одамлигини. Унақа кимсалар дашт ўртасидаги ферма харобаларига ҳеч қачон тўк бериб қўймайди. Беш километр алюмин сим, жами учта бўлади — ўн беш километр. Қанча устун бор. У давлатдан фермани сотиб олгач, икки йилгаям бормаи тугатди. Ўзи шунақалар фақат есам дейди. "Фермани ривожлантирсанг, ўзинг ейсан-ку, шайтон",

дейдиган одам йўқ. Биз келишимиздан аввал "транспарматир" деган балони ўғирлаб кетишибди ўғри баччағарлар. Жуда оғир бўлармиш "транспарматир"и. Битта трактор, битта кран, тўрт одам қилиши мумкин экан бу ишни. Худоё тавба! Бугунги ўғриларда трактор ҳам бор, кран ҳам.

— Биз кетдик, — такрорлади Элмир.

— Стол устида чироқ турибди, тортмани очсанг, гугурт бор, — деди кампир. — Момонг жуда чарчади, гугурт ҳам чақолмайди.

Элмир қоровулхона соҳибасининг айтганларини бажарди. Чироқ ёнгач, бўсағада кўрқа-писа турган Сайёра Элмирга саволомуз тикилди. "Эҳ, бу қизни уйига эртароқ элиб қўйишим керак эди-ку! — ичида ўзини койиди Элмир. — Ким деган одам бўлдим? Холаси ундан олдин уйига етиб боради. Жиянини кимнинг "Дамас"ига чиқариб қўйганини жуда яхши билади. Холасининг айбини яшириш учун бу қиз баҳона тўқимоқчи эди, афсуски, энди унинг ўзига ишончли далил керак".

— Кетайлик, — деди қиз.

Шу он чақмоқ чақди. Шунчалар ёритиб юбордики, бурчакда ўтирган кампирнинг букчайган соясигача яққол кўринди. Сўнгра осмон қарсиллаб ёрилди. Ҳаял ўтмай, осудаликни ёмғирнинг шовиллаб ёғиши бузди.

Элмир эшикни очганида, томдан қуйилаётган бир тарнов сув йўлини тўсди. Кампир

ҳаммаси шундай бўлишини кутгандек, хотиржам овозда деди:

— Токча томон келинлар, кўрпача бор. Тўшаб ўтиринлар. Ёки стулга ўтирмоқчи бўлсаларинг, марҳамат. Лекин мошинангни лойдан чиқаролмайсан, боласи тушмагур.

— Шу ерда қоламанми?! Э... Худо урган экан-да!

Элмир Сайёрани эргаштириб, "Дамас" сари чопди.

Ёмғир челақлаб қуярди, ўн қадам юрмасларидан шалоббо бўлишди.

Машинани бировнинг ёрдамисиз чиқариб бўлмасди. Улар машина эшигини ёпиб, бири-бирига тикилдилар.

— Энди нима қиламиз?

— Энди...

Элмир магнитофон қулоғини бураб, рулга суянди. Ўзини-ўзи алдаётганини ҳис этди. Дарҳақиқат, у ҳеч қаерга шошилмаётган эди. Яна бу қиз билан гаплашишни истаётганди. Ҳозир у ёнида. Тонггача ташландиқ макондан кетолмасликлари тайин. Кимсасиз дашт йўлидан биронта машина ўтиб қолиши даргумон.

— Сайёра, шу ерда қоламиз, шекилли...

— Холамга нима дейман?

— Тўғриси айтасиз-да. Ҳозир иложсизмиз. Пиёда ҳам кетолмаймиз.

Қиз уф тортиб, қўлларини мушт қилди.

— Мен айбдорман...

— Буларга ёрдам берганимиз савоб-ку, Сайёра.

— Йўқ, бир касофати борга ўхшайди.

Элмир Сайёра томон ўтирилиб олди-да, майин жилмайди. Қизнинг тошиб келаётган ғазаби қандай сусайишини томоша қилиш йигитга хуш ёқди. Аввал мушtlари ёзилди, кейин сочини йиғиштирди ва ўғринча қараб қўйиб, кулимсиради.

— Агар қоладиган бўлсак... — деди чайналиб. — ...момоникига борайлик... Машинада тонггача ўтиролмаймиз.

— Кулбага қайтиб боришни истасангиз, майли, — Элмир рози бўлди. — Мен ҳам сиз билан... Лекин "Дамас"нинг орқасидан жой қилиб беришим ҳам мумкин.

— Йўқ-йўқ. Нега орқага ўтирмаганимни тушунмадингиз чоғи. У ерга... момонинг невараси...

Элмир ички чироқни ёқиб, ўриндиқ оша мўралади.

— Фу-у, лаънати! Ҳўл қилиб қўйибди-ю!.. Яна денг, ўн саккизга кирган қиз эмиш. Ўзларига тозалатаман!

Элмир бир оз жиғибийрон бўлгач, магнитофон овозини кўтарди. Ўйлади: "Сайёрани биров жиддийроқ суриштирмасаям керак".

Шунда аллақадан пайдо бўлган шарпа деразани қоқди. Сесканиб тушган Элмир бошига чопон ёпинган кампирни кўриб, ойнани туширди.

— Момо, бизни ботқоқдан тортиб чиқарадиган биронта машина йўқми яқин-ўртада? — сўради Элмир алам билан.

— Уйга кир, машина топиб бўпсан энди, — деди кампир. — Ҳой қиз, сен ҳам! Қани, бўлинглар! Бу ерда тунаб

бўлмаслигини биласанлар...
Қани... — Кейин у чапаничасига қўшиб қўйди: — Ноз қилмай машинадан тушинглар, ҳе, бодичалар!

— Эй... — Элмир нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тийди.

Чақмоқ чақиб, осмон гулдиради. Ёндан урган шамол машина ичига ёмғирни ҳайдаб кирди.

— Майли, кейинроқ борамиз, — деди Элмир ва ойнани кўтариб қўйди.

Кампир имиллаб-симиллаб кулбаси томон кета бошлади. Ҳар чақмоқ чаққанда, унинг ушоқдеккина гавдаси янада кичрайиб кўринарди.

— Ўз уйига ўт қўйиб, қизларини ёқиб юборган Муҳсин деган одам ҳақида гапирганда, нега қўрқиб кетдингиз? — Элмир Сайёрага синовчан боқди.

— Қандай фожиа!.. Сизга таъсир қилмадимиз?

— Менимча, бу кампир эртақчими, алаҳсировчими бўлса керак. Ишонмадим. Сиз эса...

Сайёра нигоҳини олиб қочди. Бутун жисми қайғудан азоб чекаётгани билинди. Элмир ички чироқни ўчириб, давом этди:

— ...сиз эса нафақат ишондингиз, ҳатто... Йўқ, сизни хафа қилиб қўйишни истамайман. Балки менга шундай туюлгандир.

— Хафа бўлмайман, гапираверинг.

— Сайёра, назаримда, ўша Муҳсин деган одамни танийсиз.

Қиз қаддини кўтарди, бошини ўриндиқ суянчиғига қўйиб, деди:

— Элмир ака, у менинг дадам бўлади.

— Дадангиз?

— Ҳа, дадам. Унинг бу томонларда фермаси бор деб эшитгандим.

— Дадангиз ростдан ҳалиги... ўт қўйганми?

— Қўйган, — деди Сайёра. — Ўгай опа-сингилларимни ўлдирган. Мен уларни танимасдим, чунки фожиа юз берганда чақалоқ бўлганман.

— Қамалдимиз?

— Албатта. Лекин кўп ўтирмаган. Тўрт йилдан сўнг қайтиб келиб, аям билан турмуш қурган. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, ажрашиб кетишди. Сабабини боя айтдим... Ака-сингилларим йўқ, ёлғиз фарзандман.

— Дадангиздан нафратланасизми? — бир оз ўтгандан сўнг сўради Элмир.

— Билмасам... — Сайёра мужмал жавоб берди. — Бир қарасам, ёмон кўринади, бир қарасам... у киши отам, падарим... Юракдан яхши кўрмасам-да, барибир меҳр тортади. Ҳаётим шундай бўлишига дадам сабабчи. Қолаверса, биринчи хотинига ўчакишиб, ўз уйига ўт қўйган, фарзандларининг умрига зомин бўлган. Бундай одамни сиз ким деб атайсиз, ихтиёрингиз, албатта. Мен эса ота деб биламан. Соғинмайман, уйига бормайман, лекин бутунлай унутиб ҳам юборолмайман.

Ёмғир сусайди. Бутун илк бора юзма-юз гаплашаётган доирачи ва коса-товоқ юувчи қиз тақдир тақозоси билан ёмғир остида, даштнинг олис нуқтасида сирдош бўлиб қолдилар. Тўғри, Элмир

уни аввалдан кузатиб юрарди, аммо қиз-чи? У нега дарҳол эл бўла қолди? Ё бошқа иложи йўқлигини тушуниб, ўзини шундай тутаяптими?

— Сайёра, мени қанақа йигит деб ўйлайсиз? — сўради Элмир.

— Яхши санъаткор.

Элмир "Дамас" орқасига тахлаб қўйилган асбоб-ускуналарга имо қилди.

— Булар билан одам санъаткор бўп қолмайди. Биз, қўпол қилиб айтганда, отарчилармиз, фақат тўйма-тўй юрамиз. Санъатга хизмат қилмаймиз... Умуман, айтмоқчиманки, мени инсон сифатида қанақа деб ўйлайсиз?

Сайёра қисқагина кулди, кулишида ҳаяжон ва савол ниҳоятда ёқиб тушганлиги зоҳир бўлди.

— Айтинг, — деди Элмир ҳам яйраб.

— Сиз билан бугун гаплашиб турган бўлсам... Бир кўришда инсонларни ўрганиб чиқолмайман, Элмир ака.

— Демак, вақт керак экан-да, а?

— Битта менга эмас, бошқаларга ҳам.

— Бошқаларни қўя тулинг. Сиз менинг қанақа йигит эканлигимни айтишингиз учун қанча вақт керак?

— Жудаям истаётган бўлсангиз, ҳозир айтишим мумкин, — қиз қикирлаб кулиб юборди.

Элмир қўлини қизнинг ўриндиғига ташлаб, хиёл энгашди. Иккисини ҳам бахтиёрлик фариштаси қитиқламоқда эди, гўё.

— Эшитаман, Сайёрахон.

— Сиз жудаям содда йигитсиз.

— Содда?

— Ҳа. Содда.

Уларнинг кулгиси машина ичини тўлдирди. Магнитофондан таралаётган мусиқа ниҳоясига етгач, Элмир деди:

— Машинада ўтириб тонг оттиролмаймиз. Момо тўғри айтади, уникага борамиз... Аслида дадангизникига.

Сайёранинг чехрасидан кулги йўқолди. Элмир уни кампирнинг кулбасига бошлаб бораркан, "ростдан содда йигитман", деб хаёлидан ўтказди.

* * *

— Эшик илгичини илиб қўйинглар, — деди куймаланиб юрган кампир. — Ҳадемай шамол кучаяди. Қаттиқроқ урилса, ошиқ-мошиғидан учиб чиқиши ҳеч гап эмас... Ўтиринглар, мен виномни ахтараяпман. Иззатталабларни ёмон кўришимни айтдимми, йўқми?.. Унда, мана, айтдим. Хи-хи-хи...

Элмир кампирнинг тимсолида кекса аёл, ёш эркак, айёр шаҳарлик ва авом қишлоқлик қоришиб яшаётганини тушунди. Балки қачонлардир авом бўлгандиру, сўнг кўп найрангларни ишлатиб, даврон сургандир...

— Стулга, стулга ўтиринглар, — шанғиллади кампир. — Овқат емасдан ухлаб қолиш ошқозонга зарар. Ярим кечаси очиқиб уйфонсаларинг, неварамни безовта қиласанлар. Унинг уйқуси зийрак.

Элмир ҳам, Сайёра ҳам бирданига касал қизга қаради.

Қиз юзига боғланган рўмолнинг бирини ечиб, меҳмонларга анграйиб ўтирарди. Бувиси айтганидек, у ўн саккиз ёшлига ўхшамасди: йигирма беш-ўттизларни нисбат берса мувофиқ бўларди.

Элмир ҳўллаб қўйилган "Дамас"ини эслаб беихтиёр афтини бужмайтирди. Аммо шу тобда беморнинг нигоҳи остидаги стулга ўтиришга мажбур бўлди. Сайёра ҳам омонатгина чўкди.

— Мени Бўстон момо деяверинглар, — кампир стол устига ёзилган кир дастурхон четига оғзи очик эски шампан бутилкасини тақиллатиб қўйди. — Бир вақтлар бўстондек яшнаб юрганман. Э-э, ҳозир ҳам чакки эмасман! Ҳа, йигитча, нотўғри тушундинг-а?! Мен юрагимни айтаяпман. Дукиллаб чарчамаган бу юрак ҳали ёш. Ёш бўлгани учун чарчамайди. Худо кўрсатмасин, қирққа кирмай юраги қариган одамлар кўп. Ҳе, қизик-да одамзот.

Бўстон момо жавраб-жавраб, қўлига илинган нарсаларни олиб кела бошлади. Ахийри, Сайёранинг ёнига курси қўйиб ўтирди. Қултилатиб вино қуйди.

— Мен ичмайман, — деди Элмир.

Сайёра ҳам кескин рад этди.

Кампир заррача хафа бўлмай, алақандайдир тантанаворлик ила пиёлани бўшатди. Тузланган помидорни газак қилиб, гапга тушди:

— Шампан бутилкасига ўзимизнинг винодан қуйиб ичиш ёқади. Ўрганиб қолганман!.. Доим хатлар учун ичишим мени

танийдиганларга қизик туюлади. Чироқларим, сенларгаям қизик туюлгандир-а?

У аввал Сайёрага, сўнг Элмирга қаради. Кўз атрофидаги ажинлар янада бўртиб, кўз ичи зумда қизариб қолганди.

— Қанақа хатлар? — Элмир қошларини саволомуз кўтарди. — Менимча, ҳеч қанақа хат ҳақида гапирмадингиз.

— Гапирмадимми? Ичаётиб, ҳеч нарса демадимми?

— Йўқ, — бош чайқади Сайёра.

— Бу катта бахтсизликдан дарак, — кампир минғирлаб ўрнидан турди, шампан бутилкасини қулатиб юборишига сал қолди. — Ичган одам қадах сўзи айтмаса, фожиа юз бермайди-ку, деб ҳайрон бўлманглар. Бунда сенлар тушунмайдиган гап бор. Жуда ёмон гап... Бехосият...

У ашқол-дашқоллар орасидан чилим топди-да, тезда тутатди. Жойига келиб ўтирганида қадди аввалгидан-да букчайиб қолгани сезилди.

— Аслида менинг ўзим фолчиман, — деди у. — Бироқ ҳар доим ҳам башорат қилавермайман. Ҳаммаси сўзимни унутиб қўйишимдан бошланади. Қачонки гуноҳга ботаётиб, хатлар ҳақида гапирмасам, менга ёмон аломатлар кўринаверади. Бу аломатлар, эҳтимол, бир соатдан кейин, эҳтимол, бир йилдан сўнг юз берадиган фожиаларни билдиради.

Элмир нописандлик билан қараган эди, бадбуруш кампирнинг қовоғи уюлди.

— Сен ҳақингда ҳеч нарса демайман, — кампир нигоҳини Элмирдан узиб, Сайёрага қаратди. — Сенга эса учта аломат пайдо бўлди. Эшитасанми?

Шошиб қолган Сайёра:

— Н-нима... Яхшиликками? — деди қизариб.

— Олдиндан айтдим, менга фақат ёмон аломатлар кўринади.

— Керак эмас, момо.

— Бўлмаса, хатлар ҳақида гапириб берай. Зора шундан сўнг аломатлар ҳам кераклигини тушуниб етарсан. — Бўстон момо чилим тортиб, оғзи-бурнидан тутун чиқарди. (Мажруҳ невараси эса қулоғини бекитиб, бурчакка қисинди). — Унгача овқат ҳам пишиб қолади... Яхшилаб эшитинглар. Бу афсона ҳам, эртак ҳам эмас. Иккалангга ўхшаганларнинг бошига тушган қисмат. Қабрга қайтган хатлар, деб эшитган жойларинг борми?

— Йўқ.

— Йў-ўқ...

— Унда эшитинглар. Мен вино ичишдан аввал "қабрга қайтган хатларнинг эгасига айланманглар" дейишим керак эди. Кўп йиллар бурун (мен ўшанда қирқ ёшдаги қирмизи аёл эдим) бир йигит олис қишлоқдан қайтаётиб, ёмғирда қолиб кетади. Аммо у манзилига шошилаётгани учун тўхтамайди. Ивиб кетсаям, уст-боши лойга белансаям, юраверади-юраверади. Ниҳоят, қир-адирлар тугаб, дарахтлар ва қишлоқ томлари кўринади. Шу пайт сой томондан қичқириқ эшитилади. Дастурхоннинг олдида ўтирибман, болаларим, тавба деб гапирай, бу қичқириқ на

одамникига, на ҳайвонникига ўхшарди. Йигитнинг қўл-оёғидан жон кетади, судралиб бўлсаям, бир дўнгликка чиқиб, пастликка, яъни сой томонга қарайди. Қарайди-ю, кўзлари олайиб кетади. Не кўз билан кўрсинки, ўн олти ёшлардаги қизнинг этагидан тишлаб олган сариқ от қутуриб оқаётган сой томон тортмоқда. Атроф сариқ тупроқ эмасми, қирғоқ ҳам, сой ҳам тўқ сариқ тусда. На одамникига, на ҳайвонникига ўхшаш қичқириқ қизга тегишлими, отгами — йигит билолмабди. У даҳшатдан қимирламас эмиш. Албатта, от кучлилик қилибди, қизни судраб сой лабигача келибди. Ҳатто, отнинг ярми сувга тушибди ҳам. Шу пайт қиз дарахт тўнкасига чанг солиб, сўнгги кучини тўплабди-да, йигитга қараб: "Қутқаринг, акажон!" деб қичқирибди. Йигитнинг вужудида ўз-ўзидан куч-ғайрат пайдо бўлибди. Даҳшатга тобе бўлиб, қалтираб-пусиниб ётгунча, ёвуз отга қарши курашиб ўлган афзал, деб дўнгликдан сирғаниб тушибди-да, қўлига илашган таёқ билан отнинг бошига урибди. Сўнг яна урибди, кучи борица ураверибди. Тавба, от ириллаётган эмиш. Шаррос қуяётган ёмғир янада сирли махлуқ қилиб кўрсатармиш уни. Болаларим, балки гапларим чўпчак бўлиб туюлаётгандир, лекин ўша йигит ҳам, қиз ҳам на шоир, на восвос. Улар оддий одамларнинг оддий фарзандлари. Лой аралаш қутуриб оқаётган сойда яшайдиган итсимон сариқ

от ҳақида нимадир тўқиб чиқариш уларга зарил кептими?

— Айнан шунақа эмасу, — деди Элмир кампирнинг гапини бўлиб, — бошқача афсоналарни болалигимда, болалар уйида кўп эшитганман. Чекка туманлардан келганлар ажина, сариқ қиз, қора эчки ҳақида алламбалоларни сўзлаб беришарди. Сиз гапларингизнинг ростлигига мени ишонтирмоқчи бўласиз. Шунақа жонзот бор бўлса, нима учун олимлар китобларга киритмаган?

— Уни учратиш осонми?! — Бўстон момо чилим тортиб, ҳузур қилиб пуфлади. — Кимгадир тасодифан йўлиқади. (Вой, ҳеч кимга йўлиқтирмасин, илойим.) Ўша одам, афсуски, олим бўлиб чиқмайди. Олимлар жуда камлигини биласанми ўзинг? Ҳа, унда билиб қўй.

— Момо, — қўшилди Сайёра, — илтимос, қабрга қайтган мактублар ҳақида гапиринг... Қандайдир аломатлар билан боғлиқ, шекилли?

— Шуни гапираяпман-да, ахир. Ҳаммаси ёмғир ёққан ўша кундан бошланган. Шундай қилиб, йигит таёқ билан уравериб, сариқ отни қочишга мажбур қилади. От аслида сариқ ҳам эмас экан. У лой ичидан чиққан каби бутунлай лойга беланган бўлиб, нариги қирғоқ томон сузиб кетибди. Сувга бир шўнғиб, қора отга айланиб қолибди. Кейин яна бир шўнғибди-ю, бутунлай кўздан йўқолибди. Йигит калима қайтариб, ҳалиги қизни хосиятсиз сой бўйидан узоқроққа олиб кетибди. Шу вақт ёмғир ҳам тинибди...

— Ёмғирдан кейин ўша ириллайдиган отдан мактуб келибди, — паст овозда киноя қилди Элмир, аммо кампир эшитмади ва давом этди:

— ... ҳушидан кетган қиз кўзини очибди. У шу атрофдаги қишлоқларга ўз ҳусни ва одоби билан донғи кетган қиз экан. Ҳалигача унга казо-казолардан элликта совчи келган бўлиб, халоскор йигит уйланишни хаёлигаям келтирмаскан. Энди эса қиз унинг қўлида ётибди. "Акажон, мени қутқариб қолдингиз, сизга яхшилигингизни қандай қайтаришни ҳам билмайман", — дебди қиз. Йигит уни уйига олиб борибди. Бироқ қанча қистасалар ҳам ичкарига кирмабди. Чунки қизга уйланиш истаги хаёлини банд этибди ва у "агар мен бу хонадонга куёв бўладиган бўлсам, тўйдан аввал бўсағасини босишим одобдан эмас", деб қайтиб кетибди. Шунча совчиларга рад жавобини берган қизнинг аслида севгилиси йўқ экан. "Севмаган одамимга қандай қилиб турмушга чиқаман?" деб совчиларни қайтариб юбораркан. Ниҳоят, ўзини халос этган йигитни севиб қолибди. Ҳаёт бахши ўша вақтларда эндигина касалдан туриб, одамларни даволаш, келажагидан башорат қилиш, жинларни ҳайдаш билан шуғуллана бошлаган экан. Қиз сой бўйидаги воқеадан сўнг тез-тез Ҳаёт бахшиникига бориб ўзини ўқитадиган бўлибди. Бу орада йигит билан бир неча марта учрашиб, совчилар, тўй, келгусидаги ҳаёт ҳақида гаплашиб олибди. Кунларнинг

бирида "кел, шу йигит билан қандай турмуш кечиришимни фол орқали билай", деб ўйлабди қиз. Ҳаёт бахши фол очибди...

Бўстон момо шу ерга етганда, Сайёрага тикилди. Худди оғзида сақич бордек бир муддат кавшанди. Кейин бошини сарак-сарак қилиб, деди:

— Фол ёлғон бўлганида, одамлар неча юз йиллардан бери ишониб келмасдилар. Ёлғон нарсаларни одамзот унутиб юборади, қизиқмай қўяди. Ўшанда Ҳаёт бахши очган фол айна ҳақиқат бўлиб чиққан. Фол шундай эди: уч кундан сўнг халоскор йигитга фотиҳаланасан, етти кундан кейин йигит бирга бўлишни таклиф этади, ўша кеча дом-дараксиз йўқоласан. Шунини билиб қўйки, йигит билан ҳеч қачон бахтли бўлолмайсан, сабаб...

Фолчи сабабини қизнинг қулоғига пичирлаб айтибди. Қиз бошини қайси тошга уришни билмай, йўл бўйи йиғлабди. У бахтли бўлолмаслигининг мудҳиш сабабини ўйлаб, эсан оғишига бир баҳя қолибди.

Ростдан ҳам уч кун ўтиб, қизни йигитга фотиҳалабдилар. Еттинчи куни қиз йўқолибди. Уни ҳеч қаердан тополмабдилар. Баъзилар йигитдан гумонсирашибди. Аммо унда ҳеч қанақа айб йўқлиги исботланибди. Қизнинг излари сой томон кетганмиш. Аллаким ўша тунда сув бўйида йиғлаб ўтирган қизни кўрганмиш. Одамлар "қиз бояқишни барибир ўша от олиб кетган", деб овоза қилибдилар. Мелиса ҳам қаерга

кетганини билмаса, қариндош-уруғлари билмаса...

Орадан беш йил ўтибди. Йигит бошқага уйланишни хаёлигаям келтирмай, фақат ўшанинг ҳажрида куйиб юраверибди. Ва... кунларнинг бирида хат олибди. Қараса, ғалати манзил ёзилган эмиш. Вилоят, туман, хўжалик номлари йўқ, биргина қишлоқ номи ва уй рақами берилган: Қорасой қишлоғи, 88-уй, 88-хонадон.

Очиб ўқиса, йўқолган севгилисидан экан. Қиз "Мен ҳеч қачон сизга турмушга чиқолмайман, ота-онамни ҳам кўришга тоқатим йўқ, илтимос, бошқа қизга уйланинг", деб ёзибди.

Бу мактуб ошиқ йигитни ғамга ботирибди. Бориб кўрай ё хат орқали боғланай деса, аниқроқ манзил йўқ. Хатни бирон кишига кўрсатишга эса охиридаги эслатма йўл қўймайди. Қизини тушмагур шундай гапни қўшиб қўйганди: "Агар мактубга сиздан бошқанинг кўзи тушса, ўзимни ЎЛДИРАМАН!"

Қорасой! Бу қишлоқ қаерда бўлиши мумкин? Ўзбекистонда Қорасой номи қишлоқлар нечта? Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудларида-чи? Қиз қайси бирида яшайпти? Қизини, қайси қишлоқда 88-уйнинг ичида 88 та хонадон бор?..

Момо ҳикоясини берилиб сўзлаётган эди, лекин Элмирга яна бир жиҳат шубҳали туюлди ва сўради:

— Хўп, момо, ҳаммасига ишонаяпмиз. Фақат битта

нарсани изоҳлаб ўтинг. Хат почтадан келганмикан?

— Почтадан бўлса керак.

— Конвертда почта мухри йўқмикан?

— Ҳа-а, эсладим, — бошига муштлади кампир, — эсим курсин, хат почта орқали келган, лекин Қорасой қишлоғидаги почтадан эмас. Йигит дарҳол почтачини кига бориб, мактуб ҳақида суриштирган. Почтачи туман почтаҳонасидан беришганини айтган. Йигит ўша ёққа чопган. Суриштира, хат ҳеч қайси вилоятдан келмаганлиги аниқланган. Ўрис хотиннинг айтишича, поезддан тушган бир пиёниста ташлаб кетган.

— Ух, худди кинодагидек, — луқма ташлади Элмир.

— Йигит кўп ўйлабди, кўп эзилибди, — кампир эътибор бермай, ўз ҳикоясида давом этди:

— Одамлардан Қорасой қишлоғини сўраса, елка қисармишлар. Харитага қараса, ҳеч қаерда кўрсатилмаганмиш. Кўп ўтмай қиздан иккинчи мактуб келибди. Хат мазмуни шундан иборат эди: «Сизни севаман, севганим учун ҳам энди бир умр армон билан яшайман, сизни учратмасам бўлмасмиди...» Хат охирида яна огоҳлантириш. Конверт устида эса эски манзил.

Йигит бу ерда бир сир борлигини тушуниб турарди. Ягона йўл Қорасой қишлоғини ахтариб топиш эди. Бир ўртоғи Қорасой номли қишлоқни вилоят хариталаридан ахтар, деб маслаҳат бергач, аввал хариталардан, сўнг қомуслардан ахтара бошлабди. Қозоғистон,

Қирғизистон, Тожикистонни яхши биладиган одамлардан сўраб-суриштирибди. Охири оқибат унинг рўйхатидан Қорасой номли йигирма битта қишлоқ жой олибди. Йигит хатни ташлаб кетган пиёниста қайси поезддан тушганини аниқлаб, Қорасой номли қишлоқларни текширишни қаердан бошлашни режалаштирибди. Ахтара бошлабди.

Кампир кўзлари чақнаб, оғзи куруқшаб, ҳикоясини қизишиб сўзлаётган онда яна момақалдироқ қасир-қусур қилди.

— Қойил, — деди Элмир.

— Ҳа, у ҳар бир қишлоққа шахсан ўзи бориб, қизни суриштирибди.

— Мен афсонангиз қаҳрамонига эмас, томни ёрвораи деган момақалдироққа қойил қолдим. Шунчалик ҳам...

Элмир Сайёрага кўз ташлаган эди, қиз Бўстон момонинг ҳикоясини жон қулоғи билан тинглаётганини кўриб, тилини тишлади. "Момо "сенга тааллуқли учта аломатни кўраяпман" дегани шу қадар қаттиқ таъсир қилдими?! — хаёлидан ўтказди доирачи. — Мен эмас, унинг ўзи содда, ҳақиқий содда қиз. Бу кампир ким? Ҳаётда ўз йўлини тополмай, қариб-чириганда олис даштдаги қоровулхонада мохов невараси билан кун кечириётган пиёниста аёл! Унда илоҳийлик борми?.. Бўлиши мумкинми?.."

Кампир тўхтаб олгач, яна тилга кирди:

— Бу айтишга осон. Қорасой номли қишлоқнинг бири, масалан,

Жиззахнинг бир четида бўлса, иккинчиси Фарғонанинг нариги чеккасида. Йигит эринмабди, Худонинг ўзи куч-қувват берибди. Орадан икки йил ўтиб кетибди. Қизнинг дарагини тополмаган йигит баъзан ўттиз-қирқ кун уйида дам олиб, яна сафарга отланаркан. Бир куни у уйига қайтса, қиздан бир эмас, учта мактуб келганмиш. Барчасида қизнинг дарду аламлари баён этилган экан-у, сабаб айтилмаган эмиш... "Нега мени ахтараяпсиз?.. Уйланинг... уйланинг... уйланинг..."

Энди йигит собиқ Қорасой қишлоқларини ахтара бошлабди. Қўшни республикаларга ҳам чиқиб келибди. Барибир тополмабди.

Шунда у ҳамма хатларни хонтахта устига ёйиб қўйибди-да, узоқ йиғлабди. Кўз ёшлари конвертлар устига томибди. Томибди-ю, йигит бир нарсани англабди: барча хатлар сув теккани учун бир оз бўялган экан. Яхшилаб ўйлаб кўрса, хатларнинг ҳаммаси ёмғир ёққан кунлари, аниқроғи, ёмғирдан сўнг етиб келибди. "Бунинг қандай сири бўлиши мумкин?" ўйлай бошлабди у. Ўйлаб-ўйлаб бир тўхтамга келибди.

Элмир момонинг ҳикоясидан кўра ёғаётган ёмғир сасига қулоқ осиб ўтирганди. "Дамас" лойга ботиб, бир четда қолди. Боя Отамурад ака эртага ҳам тўй борлигини эслатганди. Асбоб-ускуналар эса "Дамас"да. "Эртага бу атрофдан бирон машина ўтармикан?" — деган ўй кечди кўнглидан, беихтиёр уф тортди.

— Мазанг қочмаяптими, ишқилиб? — сўради кампир ҳикоясидан тўхтаб.

Элмир унга қаради.

— Қўрқиб кетаяпман, ҳикоянгиз бунча қўрқинчли бўлмаса-я?! — деди доирачи кулиб.

— ...ўйлаб-ўйлаб бир тўхтамга келибди, — такрорлади момо, — хатлар тасодиф туфайли ёмғирдан сўнг келмаяпти, бу ерда атайин қилинаётган ўйин бор. Аммо бунақа аҳмоқона ўйин кимга керак?! Йигит хатларни синчиклаб кўздан кечириб биронтасида мактуб битилган сана йўқлигига гувоҳ бўлибди. Нима учун биронта хатда йил, ой ва кунни кўрсатмаган? Мен озроқ вино ичиб, алжираётганим йўқ, болаларим. Хатларга сана қўйилмабдими, демак, маълум бир мақсад кўзда тутилади. Бу кампир доно экан, деманглар, бўлган-турганим шу.

— Момо, сиз қабрга қайтган мактублар ҳақида сўзлаб бермоқчи эдингиз. Илтимос, тезроқ шу ҳақда гапирсангиз, — Сайёра дори ичаётган бемордек қийналиб ютинди. — Чалғиб кетаяпсиз...

— Чалғиганим йўқ. Эринмасдан ҳикоя қилаяпман. Тан олишим керак, ҳеч бунчалар берилиб гапирмаганман...

— Хатларга сана қўйилмаган деган жойга етдингиз, яна ўтлаб кетманг, — кесатди Элмир.

— Тўғри, энг қизиқ жойига етдим, қулоқ солинглар. Йигит яна бир нарсани сезибди: хатлар бир вақтда ёзилган экан. Яъни аввал ёзиб қўйилган, кейин

вақти-вақти билан, ёмғирли кунларда юбориб турилган. Йигитнинг мияси янада тез ишлаб кетибди. Хатлар бир неча йил бурун ёзиб қўйилгани нимадан дарак беради? Албатта, қизнинг кейинги вақтлар ичида янги хат ёзолмаслигидан. Хўш, у нима учун хат ёзолмайди? Нима учун хатларни бировдан бериб юборади? Балки у васият қилиб қолдиргандир?

Йигит илк бор қизнинг ўлганига амин бўлибди. Ҳа, у ўлган. Ўлгани учун ҳам хатлари эски. Ўлгани учун ҳам у на ота-онасини, на йигитни соғинади.

Манзил ҳақида ҳам энди файласуфларча бош қотирибди: Қорасой қишлоғи, 88-уй, 88-хонадон. Бу нима дегани? Ўша ёмғирли кунда қизнинг этагидан тишлаб, қутурган сойга тортиб кетмоқчи бўлган от аслида қора эди-ку! Қорасой деб шуни назарда тутганмикан? 88-уй, 88-хонадон нимани англатади?

Бу саволларга жавоб топиш осон кечмабди. Салкам бир йил деганда аниқ бир тўхтамга келибди. Шундан сўнг саксон еттита уйдан иборат Қорасой номли қишлоқни ахтариб кетибди. Ниҳоят, қишлоқларнинг бирида энг чеккадаги хонадон, рақами қўйилмаган бўлса-да, 87-уй эканлигини аниқлабди. Ўша уйдан кейин нима борлигини биласанми, қизим?.. Қабристон! Қорасой қишлоғи қабристони... Йигит қабрларни санаб бораверибди ва саксон саккизинчи қабрга етганида таққа тўхтабди. Ҳеч қандай қабртош қўйилмаган ғарибгина гўр устида

мактублар сочилиб ётганмиш. Йигит хатларни ўқиб кўрса, ҳаммаси севгилисиники экан. Суюклиси йигитга ёзган ва ёмғирдан кейин етиб келган хатлар. Қизиги, бу хатлар қандай қилиб қабрга қайтиб келди? Йигит уларни ертўладаги пўлат сандиққа солиб, калитни ёнидан қўймасди-ку! Буним кимдир уюштирган бўлса, у шунчалар моҳир ўғрими? Ким ўзи у?.. Балки ҳеч кимдир... Балки... бу арвоҳ ўйинидир...

Йигит дош беролмай, қабр ёнига мук тушиб, жони узилибди.

— Ўлиб қолибдимиз? — сўради Сайёра.

— Ҳа, жони узилибди, деяпман-ку.

— Кейин-чи?

— Қабристон қоровули одамларга хабар берибди. Мелиса келибди, шахсини аниқлабди. Мурдани қариндошлари олиб кетишибди.

— Тамомми? — негадир жиғибийрон бўлди Сайёра.

— Тамом. — Кампир иягини кўтариб, ғолибона нигоҳ ташлади. Афтидан, у қизни ўзига қаратиб олганидан хурсанд эди.

Элмир шарт оёққа турди-да, чўнтагини ковлаб, сигарет ва гутурт олди.

— Чексам бўладими, момо?

Бурчакка қисиниб ўтирган бемор қиз яна юзини рўмол билан тўсиб, узук-юлуқ овоз чиқарди. Момо унга ҳорғин кўзларини тикиб, хўрсинди.

— Неварам сигарет чекаётган одамдан кўрқади.

— Лекин чилим мумкин, — илжайди Элмир алмисокдан қолган чилимга ишора қилиб.

— Шунинг учун мен чилим чекаман, — деди кампир.

Элмир Сайёрадан изн сўраб, ташқарига чиқди. Ёмғир тўхтаган эди. "Дамас" қорайиб кўринар, ферма харобалари ҳам алланечук сирли ва ваҳимали эди.

Эшикдан узоқлашмай чека бошлади. Шу пайт Сайёранинг "Момо, афсонани сўзлаб беришдан мақсадингиз нима?" — деб сўраганини эшитди. Элмир мийиғида кулди. "Бизнинг аёллар, қизлар ҳалиям фолга, ирим-сиримларга ишонишади, — деди ичида. — Кампирнинг алжирашларига Сайёра бунча ишонмаса-я!.."

Бўстон момо жавоб берди: "Бахтсизликларнинг олдини олмоқчиман. Сен энди учта аломат ҳақида сўра. Булар ёмон аломатлар бўлса-да, сенга керак. Ҳозиргина сўзлаб берганим воқеадаги қизга ўхшаб юрма".

"Нега унга ўхшарканман?" — деди қиз кўрқинч инган товушда.

"Ишонмаяпсан-а?"

"Нега ишонишим керак?.. Лекин ишондим дейлик... Айтингчи..."

Бўстон момо ҳиссиз кулди. Элмирнинг жаҳли чиқиб, сигарет тутунини ўпкасига чуқурроқ тортди.

У чекиб бўлиб ҳам бир оз турмоқчи эди. Бироқ кўкрагига урилган совуқ шамолдан жунжикиб кетди. Пайпаслади-ю бир эмас, иккита тугмаси узилганини билди. Қайтиб кириб, ўзига ҳайрон қараб ўтирган уч

кишини кўрди: Сайёра, Бўстон момо ва бемор қиз. Бошқа вақт бўлганда, Элмир "нима гап ўзи?" деб сўраган бўларди. Илло ҳозир ўзининг-да тили калимага келмай қолди.

— Тугмаларим узилиб тушибди, — деди Элмир ахийри. — Кўйлакни кечагина олгандим-а!..

Элмир кутганидек, Сайёра унга пешвоз чиқиб, тугмаларини тикиб қўйишни таклиф этмади. Тескари ўтирилиб, бошини қуйи эгди.

— Ҳаммаси тақдири азалга битилган, — минғиллади кампир.

Элмир тушини эслади. Тушидаги ва кампирнинг афсонасидаги отлар ўхшаш эди, яна юраги увишди.

* * *

Тонг-сахар трактор тариллашидан уйғониб кетган Элмир қоровулхонадан чиқди. Эскироқ "Беларусь" қабристон тепалиги ёнидан тўғри "Дамас" сари яқинлашарди. Доирачини кўриб, тракторчи тормоз босди. Сўнг очиқ эшикдан яримиғача чиқиб, қичқирди:

— Ҳўв, катта ака! "Буханка" ўтириб қолдими?!

— Тортишвормасангиз бўлмайди, — деди Элмир.

Тракторчи "кел", деб ишора қилди.

— Нима қилиб юрибсиз бу ёқда? — сўради йигирма ёшлардаги мўндалоқ йигит.

— Тўйдан қайтаётиб, момони учратиб қолдим. Уйига ташлаб ўтай деб...

— Тушунарли, — деди тракторчи. — Момо қариндошингизми?

— Йўғ-э, — Элмир "Худо сақласин", дейишдан ўзини тийди.

— Ифлос кампир, — тракторчи қизаринқиради. — Битта хонада ётдингизми у билан?

— Бу харобазорнинг қоровулхонаси битта хонали бўлса.

Тракторчи "Дамас" ичига мўралади.

— Карнайларми?

— Тўйдан қайтаётгандим.

— Бошқалар қани?

— Ишингиз борми уларда?

Элмирнинг қаттиқроқ оҳангда жеркиши тракторчини яна савол беришдан ийманишга мажбур этди. У пўлат арқонни боғлаб, кабинага ўтиришдан аввал нос отиб олди ва қоровулхонадан чиққан Сайёрадан кўз узмай, тракторига газ берди. "Дамас" ботқоқдан осонгина суғурилиб чиқди.

Бир вақт Бўстон момо қарғаниб кела бошлади:

— Ҳа-а, ўл-а, кет бу ердан! Қорангниям кўрмайин сен ўғрининг!.. Трактиринг билан қўшмозор бўл!..

Элмир Сайёрага эшикни очиб берди. Улар хайр-маъзурни насия қилишиб, кампирнинг таназзулга юз тутган салтанатидан узоқлашдилар.

Йўлда Элмир деди:

— Бу кампирнинг сафсаталарига нега ишондингиз? Овоқда яшайдиганлар, ҳаётда омади чопмай, телба-тескари бўлиб қолганлар ўзларича

аллақандай афсоналар тўқишади. Нимага эришмоқчи бўлишади, ҳеч тушунолмаيمان.

Машина завод маҳалласидан шитоб-ла ўтиб кетгач, қиз хайрон бўлди.

— Элмир ака, шу ерга ташлаб ўтинг, мен...

— Иккимиз ҳам роса очикдик, — деди Элмир. — Нўхат шўрвага борамиз.

— Холам...

— Холангизни тонг-сахарда безовта қилсангиз, дард устига чипқон бўлади.

Элмир қўярда-қўймай қизни тонгги ошхонага олиб борди. Катта йўл бўйидаги бу ошхонада асосан олис манзилга қатновчи ҳайдовчилар овқатланишарди.

Улар бурчақдаги бўлмани банд этишди. Тамадди қилиш баҳонасида Элмир қизнинг ички оламига янада теран кириб боришга уринди. Сайёра ҳаётда ҳали алданмаган, лекин ота-онаю қариндошларидан куйган кўнгли ярим қиз эди. Тасодиф туфайли доирачи йигит билан даштда бир кеча қолиб кетди. Ачинарлиси, бу эмас. Ахир, ножўя иш бўлмади. Ғалати кампирнинг қабрга қайтган мактублар ҳақидаги ҳикоясини тинглаб (Элмир бахтсизликдан дарак берувчи уч аломат нималигини ҳозирча билмасди), бир амаллаб вақт ўтказишди... Ачинарлиси шуки, Сайёрани аслида ҳеч ким сўраб-суриштирмайди.

— Бирон кун холамникига бормай қолсам, — деди қиз ўксиб, — "қаерларда юрибдийкан", демайди, йўлимга

кўз тикмайди. Дадам учун менинг қаерда яшашимнинг фарқи йўқ. Аям биронта қариндош ўз паноҳига олишига ишонади. Барибир ким биландир топишиб, оила қуриб кетади, деб ўйлайди... Холам мени аммасиникидами, дугонасиникидами юрибди, деган ўйдан нарига ўтмайди, билмадим... бир кун келиб биронта ёмоннинг қўлига тушиб...

Қиз юзини терс ўгириб, кўз ёшларини артди.

— Сайёра, — деди Элмир қўлларини унинг қўлига қўйиб, — тақдирларимизнинг ўхшаш томонлари кўп экан. Менинг ҳеч кимим йўқ, сизнинг ҳам аслида яқин кишингиз йўқ. Сиз ҳам бир суянчиқ топишни истайсиз, мен ҳам... Сизнинг уйингиз йўқ, меники эса... бор...

Қиз бирдан қўлларини тортиб олди.

— Бу билан нима демоқчисиз? — деди кўрқиб.

— Сайёра, биласизми... Мен сизни....

— Гапирманг!

— Мен сизни анча вақтдан буён тўйларда кузатиб юраман. Бир кўришда ҳам севиб, ҳам қўлингизни сўрасам, балки бу шошқалоқлик бўлиб кўринар... Мен эса кўп ўйладим. Ортиқ ўйлашга, синашга, суриштиришга ҳожат йўқ деб...

Қиз шундай чуқур нафас олдики, Элмирнинг назарида унинг ўпкаси ёрилиб кетаёзди. Кўзларида гўё ғам қотиб қолган эди.

— Бахтли бўлишга ҳаққингиз йўқми? — Элмир чин дилдан, ёниб сўзлай бошлади. — Нега

бунча эзиласиз? Нега ўзингизни бахтсиз деб ҳисоблайсиз?! Уйимга шунчаки таклиф этмоқчи эмасман. Қиз болага бу тўғри келмайди... Лекин севиб қолишга ҳаққим борми? Ҳаққим бор, албатта! Уйланишга-чи? Уйланишга ҳам!.. Аввал севмаганман, уйланмаганман. Болалигим ёру биродарсиз ўтди. Ўттиз ёшгача ҳам шундай... якка-ёлғиз, танҳо яшадим! Кимдир учрашини, кимдир менинг борлиғимни буткул забт этишини сезардим, билардим, олдиндан кўрардим. Уй олай, машина олай дедим. Булар нима? Кеча мени санъаткор деб атадингиз. Асбоб-ускуналарни кўрсатиб, улар билан санъаткор бўлолмаслигимни айтдим. Уй, машина, пул худди асбоб-ускуналарга ўхшайди. Шунчаки фойдаланган, моддий манфаатнигина ўйлаган одам отарчими? Ҳа, отарчи! Ҳаётим ҳам отарчилик бўлиб қолишини истамайман, Сайёра, истамайман! Ҳеч бўлмаса, ҳаётим санъат каби чиройли бўлсин. Бунинг учун "хотин бўла оладиган, дуч келган бирон қиз" эмас, қалбингизни ларзага келтирадиган бетакрор малак керак... Ва шу малак сизсиз! Сайёра, мен сизни севаман! Сизни шундай тасаввур қиламан... Адашмайман...

Қиз доирачининг сўзларидан баттамом ўзини йўқотди. Юзини тўсиб, ўрнидан турди-да, кетмоқчи бўлди.

— Сайёра! — Элмир шундай деб унинг билагидан тутди. — Менга қаранг... Шунчалик ёмон кўринаяпманми кўзингизга?

— Йўқ, Элмир ака, мен ҳақимда нотўғри фикрга борманг. Чидолмаганим учун...

— Тушунмадим. Чидолмаганингиз учун?.. Нимага?..

— Сўраманг. Ҳозир айтолмайман. Бунинг сиз ўйлаб ҳам кўрмаган бошқа сабаби бор.

— Балки бошқа йигит...

— Мен ҳеч кимни севмаганман. Йигитим йўқ.

Шундан сўнг Элмир қизни ортиқроқ қийнаб қўйганини тушунди. Улар ошхонадан чиққанларида, қуёш дастлабки нурлари-ла ёмғир ивитган заминни жаннатдай яшнатиб юборганди.

Истамайгина хайрлашдилар.

Шу-шу Элмирнинг юрагида муҳаббат ўти бир сония ҳам сўнмади. Кечаю кундуз фақат Сайёрани ўйлар, тез кунларда унга уйланишни истар, ширин орзулардан дам-бадам энтикар эди. Тушида онаси қора отга миндиргани-ю, йиқилиб ўлгани, қабрни ковлаб чиқиб, гўристон аро тентирагани, ўнгида эса Бўстон момонинг мудҳиш ҳикоясини тинглагани — барчаси хотира қаърига равона бўлди. Унинг учун эса фақат Сайёра бор эди, Сайёрага боғлиқ ширин орзулар, тўй режалари...

Бир куни Элмирнинг хаёлига бир гап келди: Сайёра — исми жисмига монанд қиз, у тақдир йўлларида сайр қилиб юради. Гарчи доирачи йигит бу гап севган қизи учун ҳақорат эканлигини билса-да, ўз-ўзидан шуни ўйлайверди. Кўнгли хижил тортди, ниманидир сезди.

Бир неча кундан сўнг қизнинг холасиникига бориб, эшик қоқди. "Сайёрага бошқа иш топгандим", деган гапни чўтлади, аммо қора хотин эшик очибоқ, бобиллаб берди:

— Хўв артист бола! Жияним қани? Сайёрани қаерга ташлаб келдинг?! Уйингга борсам, тополмайман, тўйларда учратолмайман! Қани?!

— Ўзингизни босинг, хола, Сайёрани мен сиздан сўраб келсам...

— Нима дединг?! — хола кўзларидан ўт чақнаб, Элмирнинг устига бостириб келди. — Элмир деган доирачи сенмисан? Сенсан!!! Сайёра айнан сеникига кетаётганини айтиб, уч кун аввал уйдан чиққанича, қорасиниям кўрсатгани йўқ! Хўш, нима баҳона қилмоқчисан?

— У меникига кетаётганини айтдими? Мабодо, алдама-япсизми?

— Алдаб ўлибманми?! Ё сендан тили қисик жойим борми?

Элмир бош қашиди.

— Бунча жаҳл қилманг, хола, — деди у. — Балки Сайёра дадасинингми, аясинингми уйига кетгандир? Шунақа бўлиши мумкин эмасми?

— Мумкин эмас, ҳеч қачон мумкин эмас! Ҳеч замонда у дадасиникига борадими?! Аясиникига борса, албатта, телефон қилиши керак эди. Нега, нима учун Сайёра дом-дараксиз? Чунки у сеникида! Ёки ахтариб келишларидан қўрқиб, бошқа жойга яширгансан!

Доирачи йигит шу ёшга кириб, ошқора тухматга биринчи бор

дучор бўлиши эди. Азбаройи газаби тошганидан тишини тишига босди.

— Тухмат қилманг, хола... — деган эдики, қора хотин овоз пардасини яна бир поғона кўтарди:

— Тухмат қилмайман сенга, отарчи! Далил-исботим сон-мингта. Биринчидан, даштдаги қишлоқчадан қайтаётиб, Сайёрани сенинг "Дамас"ингга чиқариб қўйдимми?

Аёл уялмай-нетмай шовқин солаётганда орқа томонда эри кўринди. Сайёра айтган ўша пиёниста почча, хотини билан дарди йўқ кесак-одам!..

Дарҳақиқат, қора хотин эрининг келганини сезса-да, тап тортмай бақираверди. Ахир, ўша куни қизни "Дамас"га мана шу хотиннинг ўйнаши чиқариб қўйди-ку. Бетовфиқ аёл шу тобда сири очилишидан асло тап тортмаётгани қўлидан кўп "иш" келишидан бонг уриб турарди.

— Сенинг "Дамас"ингга чиқариб қўйдим! — давом этди аёл. — Аллақандай кампирни баҳона қилиб, бир кеча қолиб кетдинглар. Билмадим, бу қизни нима жин урди?! Ҳеч эркаклар билан юрадиган одати йўқ эди. Сен-ку, учига чиққансан тўйма-тўй юравериб! Иккинчидан...

— Бас қилинг!

— Нима, урмоқчимисан? Ё ёқамни йиртиб, эримнинг олдида зўрламоқчимисан?

Элмир қанақа аёлга дуч келганини аввал-бошдан тушунган эса-да, бу қадар жирканч гапларни кутмаган эди.

Машинаси томон икки қадам ташлади.

— Қочма, ҳой!.. — ўшқирди Сайёранинг холаси. — Иккинчидан, сенинг дарвозангни тақиллатиб турганини кўрганлар бор!

— Ким тақиллатган?

— Сайёра-да, ахир! Нима, довдирмисан?

Шундагина Элмир ёмон бир фитнага "аралашиб қолганини" фаҳмлаб, кўз олди қоронғилашди. Биринчи қиладиган иши — бу аёлдан қутулиш эди.

— Аввал исботланг, кейин дағдаға қилинг, — деди Элмир. — Қонунларни сиздан яхши биламан, танишларим сизникидан кўп. Прокуратурада ҳам, милицияда ҳам!

У "Дамас"га ўтириб, қора хотинникидан узоқлашар экан, "уйингни елкаминг чуқури кўрсин", деб жиғибийрон бўлди. Бир оз юргач, ғарибгина уй кўздан йўқолиб, енгил тортди. Аммо зум ўтмай бу енгиллик ўрнини оғир нохушлик эгаллади. Нафрати фоизларга бўлиниб, бир қисми Сайёра сиймосига ҳам қора чаплаган эди.

Азобларга қорилган кунлар Элмирга бир дунё ғамдан бошқа ҳеч нарса бермади. У ўйлайверди-ўйлайверди, ахийри, қалбидаги Сайёра сувратидан қора доғлар бутунлай ювилиб кетди. "Ҳақиқий фотосурати йўқ-ку, термулиб, нимага термуламан? — ўйлади Элмир. —

Бўшлиққами? Секин-аста бўшлиқдан ҳам унинг нигоҳлари йўқолади... Сайёра ўзи қанақа қиз эди, дейман... Кейин туман

қоплайди. Бор овозим билан қичқирсам-да уни қайтиб кўрмайман, овозини эшитмайман..."

Элмир азиз нарсасини йўқотаётганини ҳис қилиб яшади. Тўйлар ҳам татимай қолди. Отамурод ака "сени жин урган, ҳеч ўзинга келолмаяпсан", дер, қистовга олишдан чарчамас, гоҳо ўйинчи қизларга сим қоқиб, "бўйдоқни даволаб қўйинглар", дея қўпол ҳазил қиларди. Барчаси Элмирни қаттиқ толиқтирди. Юраги буришган-тиришган олма каби эди...

Ва бирдан Сайёрага пок муҳаббат ила ошиқ бўлганини англаб, юзи ёришиб кетди. Севгининг қудратини илк бора бутун вужуди билан ҳис этди. Бу на оддий ёқтириш, на уйланиш истаги эди, бу — МУҲАББАТ, бу — ТЕЛБАЛИК эди.

Элмир қора хотинникига йўл олиб, ўйлади: "Сайёрага севги изҳор қилганимда ҳам юрагим бунчалик ўртанмаган эди. Уни телбаларча севиб қолдим. Ишқ — илоҳий дарахт. Шундай дарахтки, вужудим бўйлаб томир отиб бўлди... Нега бунча қўрқаяпман? Аввалдан ёқтириб юрардим, ёмғирли кунда севиб қолганимни тушундим, ўзига ҳам айтдим. Холаси бир бобиллаб берганига у ҳам айбдор бўлиб қолдимми? Аслида ким айбдор? Мен эмасми? Қиз бечора тўрт-беш сўм ишлайман деб қишлоқма-қишлоқ тўйларда коса-товоқ ювиб юрса-ю, мен уни бир кеча харобазорда олиб қолсам... Гарчи бундай бўлишини хоҳламаган бўлсам-да жавобгар киши менман. Қандай

қилиб қиз у ердан кета оларди? Ёмғир, лой, олис йўл. Эҳтиёт бўлиб рул бошқарганимда, "Дамас" лойга ботиб қолмас эди. Қўрқаяпман, чунки мен... мен ёлғиз яшашга ўрганган қўрқоқ кимсаман. Ёлғизлик — энг катта қўрқоқлик. Жасур кишиларнинг атрофида доимо одам бўлади. Мен эса Сайёрадан аразлаб ўтирибман. Нега? Нима учун? Тушунмайман...

Тўхта-тўхта, мана энди англадим. Сайёра ҳам мендан аразлаган. Иш топиб беришимни айтганимдаёқ ёқтирмаган эди. Нотаниш йигит дарров иш таклиф қилиб, бир неча соатдан кейин севги ҳам изҳор қилса. Бунинг устига машина лойга ботиб, бир кеча қолиб кетса-ю, холасидан шалоқ сўзлар эшитса. Сайёранинг шундоқ ҳам чин меҳрибон кишиси йўқ. Бир йил аммасиникида, бир йил узоқроқ холасиникида яшаб, умр ўтказаётган қиз ҳақоратларга чидаёлмай, кетворган-да бошқа қариндошиникига. Шунча кундан бери хабар олмаганимни нима деб аташ мумкин?

Севиб қолдим, уйланмоқчиман... Бир кўрганимдаёқ айтдим шу гапларни. Кейин-чи? "Қорасиниям кўрсатмай кетди, ҳақиқий отарчи экан", деган хаёлда ўтиргандир? Қаерда ишляпти экан? Биронта ошхонада коса-товоқ юваётгандир... Барибир топаман уни. Гапларим жиддий эканлигини айтаман. Ҳеч кими йўқ йигит эмасман. Мана,

Отамурод ака бор. Совчиликка у боради, албатта боради".

Элмир Сайёра сўнгги вақтларда яшаган уйга яқинлашиб, истамайгина эшик қоқди. Холаси ўзини қандай тутишидан қатъи назар оғир бўлишга қарор қилди. Дарвоқе, идиш ювувчи аёл ҳаммасини билади, жўрттага ўзини куюнчак қилиб кўрсатапти. Агар унинг ростдан юраги куйганда, Элмирнинг устидан милицияга арз қилмасмиди? Ахир, жияни неча кундирки дом-дараксиз-ку?

Эшик очилгач, Элмир бош кўтарди ва қаршисида пиёниста эркакни кўрди. Саломлашди. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек, илтимос қилди:

— Сайёрани чақирворинг, ака, муҳим ишим бор эди.

— Тунов кунги келган боламисан? — сўради пиёниста.

— Ўшаман. Сайёрани чақирворасизми?

— Унинг йўқолганини хотиним тушунтирдими?

— Тушунтирди. Лекин менга ҳозир Сайёра керак. Бир оғиз гап айтаман-у, кетаман.

— Ука, мен Афғонистонда хизмат қилганман, Қандаҳор деб эшитганмисан?.. Асабларим тамом бўлган. Мени фақат ароқ ушлаб турибди...

— Кўриб турибман. Сайёранинг қаердалигини айтинг ҳеч бўлмаса...

— Ўзбекчани тушунасанми?! Менинг асабим ёмон...

— Бўпти, сизни пивохомага олиб бораман, ака. Ўзимнинг ҳам томоғим тақиллаб турганди. Кетдикми?

Ҳовлида ҳеч ким кўринмаса-да, пиёниста эркак бурчак-бурчакларгача қўрқиб аланглади. Сўнг эшикни авайлаб ёпиб, Элмирга эргашди. "Дамас"га чиқиб, деди:

— Гапга тушунмайсан. Сайёра йўқ, агар бор бўлганида сенга чақириб бермасмидим?! Албатта, чақирардим. Мендан нима кетди?! Менга ким ўзи у? Ҳеч ким. Ҳатто, хотинимга ҳам тузукроқ қариндош эмас.

Элмир диққат билан тинглаб бораркан, ҳадемай Сайёранинг қаерга кетгани шу одамнинг гапларидан маълум бўлажагини сезд.

— Қариндошим бўлганда мен нима қилардим? У кап-катта қиз, бир оилани бошқарадиган ёшда. Мен эса аҳволи ўзига маълум одамман. Ичаман!.. Лекин бекорга ичмайман мен. Тўқликка шўхлик қилиб ичадиганларни ёмон кўраман. — Пиёниста қўлини силтаб бақирди. — Ёмон кўраман! Ёмо-о-н!.. Хеҳ, тўнка мижозлар! Олдин "воеват" қил, кейин ич, ярашади. Мана... бизга ўхшаганларга қанча ароқ олиб берсанг ҳам оз. Чунки қон кечиби, қон ичиби, урушда қаҳрамонлик кўрсатганмиз.

— Сайёра қаерга кетган бўлиши мумкин?

Пиёниста кўксига муштлади. Элмир "Дамас" ойнасини уриб, синдириб юборишидан чўчиди. Светофорга тўхтаганида, деди:

— Бугун ҳақ бериш биздан, ака. Ароқ десангиз ароқ, пиво десангиз, пиво... Аммо-лекин бир нарсани тушунишингизни истардим. Кўнглингизга олмангу

урушга бордим, деб ичиб юриш инсонни оқламайди. Одамлар нима баҳоналар топмайди, эҳ-ҳе. Биров қамалгани учун ичади, бошқаси хотини хиёнат қилгани учун пиёнистага айланади. Ҳатто, нима учун камбағалман, деб ичадиганлар бор. Мени олиб қаранг. На ота-онамни, на қариндошларимни танийман. Мутлақо ҳеч кимим йўқ. Аммо мен бунни дастак қилиб ичмайман.

— Умуман, ичмайсанми? Ҳозиргина томоғим тақиллади, дедингу.

— Оз-оз ичганман. Ҳеч қандай фойдаси йўқлигини билиб, ташлаб кетдим.

— Ў-ў, фойдаси йўқ де!

— Қайси тўйга бормай дастурхонга ароқ қўйишади. Ичаман десам ичимлик муаммо эмас.

— Ароқни қанча қувсанг, у сендан шунча узоқлашаверади, — деди пиёниста. — Ичмайдиган бойваччалар, мансабдорлар қайси тўйга, зиёфатга борса, дастурхонга турли-туман шишалар қалаштириб ташланади. Биз эса ким қуйиб берар экан, деб ҳамманинг қўлига қараймиз.

— Ака, маслаҳат эмас-у, ароқни ташланг. Кейин ўтмишингизга четдан қаранг. Ким учун жанг қилгансизу, нима учун ичаяпсиз, ҳаммаси ойдинлашади.

— Ҳозир ҳам барчаси ойдин, — пиёниста олайиб қаради. — Урушга бордим, деганимни сен қайси маънода тушундинг? Нима, мен ватанни фашистлардан ҳимоя қилибмидим, ғалаба шарафига ичсам?! Мен куйганим учун ичаман. Биласанми, қанақа йигит

эдим? Тоғни урса талқон қиладиган, калласи зўр, жудаям интилувчан. Институтга бир тийинсиз кирганман. Кейин армия, Афғонистон, контузия ва... ба-ба-бах! Йўқ, ўша йигит йўқ. Ўрнида мен борман. Мен! Мен!.. Тақдири азалга ишонасанми?

Элмир елка қисди.

— Сайёра ишонарди.

Элмир ялт этиб қаради. Пиёниста ишшайди.

— Ака, — деди доирачи, — Сайёра қаерда? Эркак кишисиз-ку, айтақолинг. Нимадан кўрқасиз? Бугун эмас, эртагаям меҳмон қиламан. Айтасизми?

— У бизникида эмас.

— Қаерда?

— Аниғини билмайман.

— Нега "Сайёра ишонарди" деб ўтган замонда гапира-япсиз? Демак, уни энди қайтмаслигини биласиз. Шундай-ми?

— Замон-памонинг билан нима ишим бор?! Уни ўшандан бери кўрганим йўқ. Замон дейсан... Жа грамматикани яхши билсанг, эшитиб қўй: "Сайёра ишонарди", деган гап ўтган замоннинг қайтмас майлидаги аччиқ гап. Ҳа-ҳа-ҳа-а...

— "Тил-адабиёт"да ўқиганингиз билиниб турибди, — деди Элмир.

"Дамас" чап томонга бурилгач, пиёниста қувончини яширмай, кўзлари порлаб:

— Ука, сенга гап йўқ, — деди.

— Бу ерда пивонинг ҳам, ароқнинг ҳам зўрларидан бор. Ичмаган одам ҳам ичво-ради.

Бироқ Элмир татиб кўриш у ёқда турсин, пиёлани-да ушламади. Пиёнистанинг қаршисида ўқрайиб ўтираверди.

"Сайёра бу одамнинг оиласида қандай яшаган экан?" — деб хаёлидан ўтказди.

— Эй, ўзи сен уни нима қилмоқчисан? — деди пиёниста маст бўлгач.

— Уйланмоқчимисан? Э, уйлан... Менга деса икки марта... уч марта... тўрт марта уйлан. Ким у Сайёра? А? Ким у-у-у? Ота-онасининг тайини йўқ бир бечора қиз! Хотиним унинг холаси бўлади, биласан-а? Ёрдам беради деб уйга олиб келди. Ойдай яшаб юрганди. Бир кеча йўқ бўлиб кетди-ю, холаси билан келишмай қолди. Хотинам жазавада! Э-э... Осилмайсанми, деб койиди жиянини. "Дамас"и бор экан, ҳовли-жойи бор экан, яна сенга нима керак, деди. Шу... тўғрими? Жиянига эрни зўрлик билан қўлга киритишни буюриш тўғрими? Хотинда калла йўқ. Ўша куни тумшуғини мўлжаллаб бир солганинга, ука, кайф қилиб кулардим. Урармикан, деб қараб турдим-турдим... Лекин Сайёрани урма. У тилла қиз. Ў-ў-ҳҳ... Ичим куяди. Нега шундай қизнинг меҳрибон кишиси йўғ-а? Бечора тўйларда коса-товоқ ювишга ям рози. Тўғри юрсам, ўз кунимни ўзим кўрсам, дейди. Жудаям меҳнаткаш, ростгўй қиз. Холаси мени алдашни буюради... — Пиёниста ғалати кулимсиради. — ...у алдамоқчи бўлади. Қанийди ёлғонни эплаб гапиролса! Ахир, у фаришта-ку! Фариштанинг ўзгинаси... Сен унга уйланмоқчимисан?

— Ҳа, — деди Элмир ниҳоят.

— Унда, ахтар, топ, уйлан. Боядан бери нега менинг

бошимни қотирасан-а? Божа бўлмоқчиман, де... Хўш, божа бўлмоқчимисан?

— Сайёранинг қаердалигини билмайсиз, лекин уйингизда нима гап бўлганини айтарсиз.

— Айтдим-ку, яна нимани айтай. Хотиним уни роса койиди, бу юришингда эрга теголмайсан, деди. Сайёра эса тақдири азалга ишонишни айтиб, йиғлади. Шунинг учун "тақдири азалга ишонасанми?" деб сўрадим. Ўхшатмаса учратмас, деб икковинг бежиз топишиб қолмагансан... ҳиқ... ҳиқ...

Пиёнистани ҳиқичоқ тутди. Элмир юзини четга буриб, хаёлга толди. Аммо кўзи тушган нарса бир зумда хаёлларини тўзғитиб юборди. Қўшни столни икки почтачи банд қилиб, пиво симирмоқда эди. Сумкаларидан газета, журнал ва конверт қирралари чиқиб турарди.

Хатлар!

Сирли мактублар!

Ёмғирдан кейин келувчи манзилсиз номалар!..

Элмир дик этиб, ўрнидан турди ва дераза тагига бориб, осмонга тикилди. Булутлар қуюлиб келарди. "Кўп ўтмай ёмғир ёғади", — Элмирнинг қулоғига кимдир шивирлагандай бўлди. У атрофга аланг-жаламг боқиб, нигоҳини почтачиларда тўхтатди.

— Кечирасизлар, акалар, — деди Элмир, — сизлар қайси почтадансизлар?

— Туман бош почтасидан. Нимаиди?

— Менга хат бўлиши керак, сумкангизда.

Почтачилар бир-бири билан сирли кўз уриштириб, сўнг ҳозиргина Элмир ўтирган жойга қарашди: нима гаплигини тушунолмаган пиёниста қаддини зўрға тутиб ўтирарди.

— Кайфингиз ошиб қолмадими, йигит? — сўради ёши каттаси Элмирни бошдан-оёқ кузатар экан.

— Мен ичмайман... Илтимос, хатларингизни қараб чиқинг. Менга мактуб жўнатилган... Эй Худо, нима учун эътибор бермадим-а, ахир, бу қиз...

Шу тобда у Сайёранинг ғойиб бўлиши кампирнинг афсонаси билан чамбарчас боғлиқлигига ишона бошлаган эди. Дарҳақиқат, Сайёра қисмат ҳақида гапириб, бежиз йиғламайди. Лаънати жодугар ўзига ром қилгач, кўзига кўринган аҳмоқона аломатларни айтиб, васвасага солган. Элмир ўша кун, тонгдаёқ қиздан кампир нималар деб шипшиганини сўрамагани учун ўзини қойиди.

"Уни аввало нимадан ҳимоя қилишим керак? — хаёлидан ўтказди доирачи. — Албатта, ёмонликка ишонишдан. Кейин эса... ёмонларга ишонишдан. Сўнгга ёмонларнинг ўзларидан... Ё тавба, мен Сайёра билан битта одамга айланиб бормоқдаман".

Бу орада почтачилар Элмирнинг исм-фамилияси ва уй манзилини сўраб, конвертларга қараб чиқишди.

— Сенда бошқа мактуб йўқми? — бир почтачи иккинчисига масхаромуз тикилди.

— Йўқ.

— Чўнтакларингизни қара-чи.

Элмир тунука томга урилган минглаб томчилар шовқинидан сесканиб тушиб, пиёнистанинг ёнига борди.

— Энди менга аниқроқ қилиб айтинг, — деди ҳансираб. — Сайёра ва хотинингиз тортишиб қолганида, нега тақдири азал ҳақида гап чиқди?

— Вой, қанақа одамсан?.. Қип-қизил жинни экансан-ку, ука... Минг марта айтаяпман... минг марта... Сайёрани сенга хотин қилиб бермоқчи менинг хотиним... Сен ҳам Сайёрани хотин қилмоқчисан. Бир хотин ва яна бир хотин... Ўртада куёв... Куёв битта хотин билан сўқишмоқда. Лекин сўқишаётган хотин билан нияти бир. Яъни никоҳ! Мулзам бўлиб турган эса қочиб кетишни ўйлапти... Эй, менга қара, маслаҳатим... Сен аввал хотиним билан келишиб ол. Ахир, икковингнинг ҳам ниятинг бир: у сени Сайёрага уйлантирмоқчи, сен эса Сайёрага уланмоқчисан. Менимча, бу битта тушунча. Ўл-лай аг-гар-р, "отвеча-ю-ю...", "их либе дих"... "чёрт побери..."

Пиёниста оғзига келган турлитуман сўзларни қаторлаштира бошлади. Элмир унинг ёқасидан кўтариб, шундай деди:

— Отасининг манзилини айтинг!

— Муҳсин ўлган.

— Онасининг...

— Ўлган.

— Аммаси...

— Ўлган... Ёқамни қўйвор, бўғаяпсан-ку, ука.

Элмир силтаб юбориб, кўчага отилди. "Хўп, яхши, — деди

ичида. — Қариндошларининг манзилини айтманглар! Аммо мен қаерга боришни биламан. У Бўстон момоникида!"

Шу куни Отамурод акага ҳеч қаердан буюртма тушмаган эди. Элмир кун бўйи бекор эканлигидан мамнун бўлиб, ёқилғи қуйиш шохобчасига йўл олди. "Дамас"ни тўлдираётган эди, "Москвич"ни ванфиллатиб, бир йигит келиб қолди. Элмир уни таниди: Бўстон момо ва неварасини ярим йўлда ташлаб кетган маст ҳайдовчи айнан шу кимса эди.

У Элмирнинг тикилиб қолганини кўриб, кўз қисди ва:

— Қалай, жўра, тойчоқнинг қорнини тўйғазаяпсизми? — деди.

— Даштга кетаяпсизми?

— Даштдан келаяпман, — йигит қўлидаги калитни ўйнатиб, тўхтади. — Сиз Отамурод аканинг гуруҳиданмисиз?

Элмир у билан нари-бери сўрашгач, Жийдали ҳақида суриштирди, йигит афтини бужмайтириб, нари кетди.

— Қарғиш урган жой ҳақида бошқалардан сўранг, — дегани эшитилди.

Элмир, беҳосият кампирникига бормасликдан ўзга йўл йўқлигини тушуниб, "Дамас"га ўтирди. Машина катта йўлга чиқиб, тезлиги ошгач, ёмғир ҳам кучайди. Элмир тушкунликни чақирувчи хаёлларни ҳайдаш қасдида магнитофон қулоғини буради.

— Сайёра... — шивирлади Элмирнинг тили. — Сайёра... Сайёра... Сени ахтариб

бораяпман. Кўнглим буюрган иш — сени топиш, кўнглим айтади — сенинг маконинг, сен мен учун биринчи ва охирги малак...

Катта йўл ёқасидаги дастлабки ихота дарахтлари ортида ястланиб ётган дашт кўринди. Боши узра қоп-қора булутлар осилган уфқдаги адирлар бурунгидан-да тилсимли кўринарди.

Элмир ўнқир-чўнқир йўллар орқали Муҳсин фермасининг харобаларига етиб келгач, гарчи ёмғир қуйиб турган бўлса-да, анча узоқда машинадан тушди. Ўтган сафаргидек машинаси лойга ботиб, касофат жойда қолиб кетишини истамас эди.

Уст-боши шалаббо ва тиззасигача лойга ботган ҳолда қоровулхонага етиб борган Элмир эшик қоқишга бир муддат истиҳола қилиб турди. Назарида, Сайёра билан тунагани туш ёки алаҳсирашдан ўзга ҳодиса эмасди. Даҳшатлиси, бу ерда анча вақтдан буён ҳеч ким яшамаётган бўлиб чиқиши эди.

Тақ-тақ-тақ!..

Элмир сабрсизлик-ла кутди, ичкаридан садо чиқмади. Қаттиқроқ тақиллатган эди, эшик очилиб кетди. Таниш ҳид урилди. Таниш манзара.

Элмир ҳар бир бурчакка синчиклаб қаради. Ўша стол-стуллар, кўрпа-ёстиклар, чилим ва... моховсифат қизнинг кир рўмоллари.

Ўчоқдаги чўғ бу ерда одам яшаганлигидан далолат эди. "Ёмғирда улар қаёққа кетган бўлиши мумкин?" — ўйлади доирачи.

Бироқ миясида тайинлироқ жавоб туғилмади. У ҳар бир нарсадан жирканиб, эшикка тисарилиб борди. Шунда қулоғига ердан чиқаётгандек ғалати сас чалинди. Овоз келаётган томон юрди. Сезгилари уни ферма харобалари сари бошлади. Чолдеворлар аро тентирар экан, қўрқинчли бир манзарага тобора яқинлашиб бораётганини ҳис этди.

Ниҳоят, узун молхонанинг охиридаги бўлмалардан бирига яқин келди. Эшикда кўкимтир тутун кўринди.

"Гум-гум-гум!" — овоз яна такрорланди.

Элмир сўнгги қадамини ташлади ва енгларини шимарган, этагини белбоғига қистирган, қаҳрли қиёфага кирган кампирга кўзи тушди. Оёқлари остида ярим яланғоч ҳолда бир қиз кўнишиб ётар, момо ҳар замонда уни чап қўлидаги хивчин билан савалар эди. Ўнг қўлида эса учига қалин қилиб латта ўралган гаврон. Шу гаврон билан у тез-тез довул қоқмоқда. (Устига тери қопланган, барабанга ўхшаш антиқа асбобни Элмир муқаддам ҳеч қаерда кўрмаган эди.)

Бўстон момо қўлларидагини ташлаб, ортига ўгирилди. Қиз ҳам қаради. Элмир бу қиз бадани сутдай оппоқ, мрамардай силлиқ, аммо юзи бадбуруш, ақли қосир Сулув эканлигини билгач хўрсинди.

— Ҳалақит бермоқчи эмасдим, — деди Элмир. — Мен Сайёрани ахтариб юрибман. У қаерда, момо? Фақат алдаманг.

Кампир неварасига тикилди. Невараси оғзидаги кўпикларни артиб, афтини бир томонга қийшайтирди. Элмир ўшанда

"Дамас"ини булғаб қўйган телба қиздан қанчалик нафратланган бўлса, ҳозир ҳам шунчалик ёмон кўрди. Бироқ ўзи истамаган ҳолда унинг оҳанрабодек тортаётган қўлоёқларига, хиёл очилиб қолган кўксига қаради. Йигит бунчалик гўзал танани кўрмаган эди.

Мис идишдан тутун чиқиш тўхтади. Кампир этагини, сўнг енгларини тушириб, неварасининг қўлтиғидан олди. (Ўн саккиз ёшли зил-замбил қизни суяб турфазиш, албатта, кампирга осон эмасди, аммо Элмир қоққан қозикдек тураверди).

— Сайёра қаерда? — қайта сўради Элмир.

— Уни меникига жўнатганмидинг? — Кампир невараси устига эски чопон ташлади.

— Йўқ, унинг ўзи сизникига келган. Момо, ади-бади айтишиб ўтирмайлик, ҳозир қаерда у?

— Буни мендан сўраяпсанми? — кампир ўзини бефарқ тутишга тиришиб, Сулувнинг юзини рўмол билан ўради. (Қиз норозилигини ифодалади чоғи, бош силкиб, яна айиқ боласидай фингшиди.)

— Сиз билан тортишиб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ! — деди Элмир жаҳл билан. — Бу ердан тезроқ кетсам, қайтиб келмасам дейман. Сизга дучор қилган тақдирга минг лаънат.

— Тақдирни қарғаяпсанми? Тақдирни-я?!

— Билдик, билдик, жуда ошиб-тошган илоҳий қудрат эгаси экансиз! Аммо ҳозир мени бу қизиқтирмайди. Қарғишу лаънат-

паънатлар, башорату турли афсоналарингизга бошқаларни ишонтирасиз. Менга муҳими — Сайёра! Сиз ўша куни ёмғирдан кейин келган мактублар, барча хатларнинг қабрга қайтиши, қутурган от, яна алламбало аломатлар ҳақида гапириб унинг миясини заҳарладингиз. Соддадил қиз барчасига ишонди. Нафақат ишонди, ҳатто, ўзини билмас даражада қўрқиб қолди. Унинг руҳини нобуд қилганингизни тан оласизми?

— Руҳини сен нобуд қилгансан.

— Кампир шундай дея Сулувни суяб, хароба адоғига кета бошлади.

Элмир ноилож эргашди.

— Нега мен нобуд қиларканман?

— Чунки, — деди кампир, — сен ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ишонмайсан. Шу боис яқин одамнинг ҳам йўқ. Сайёрани сўраб юрибсан. У мана шу ерга келгани рост. Биласанми, нима учун?.. Агар эсинг оғиб қолишдан қўрқмасанг, кел, унга нима бўлганини сўзлаб берай. Розимисан?

— Қўрқманг, бемаъни афсоналарингиз эсимни оғдирмайди, — деди Элмир. — Аммо ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ишонмайсан, деб адашаяпсиз, момо. Мен кўп нарсаларга ишонаман. Бу — алақандай итсимон отга ҳам ишонишимга асос бўлмайди-ку!

Бўстон момо Сулувни ортиқ суяб туришига қурби етмай, нолиди:

— Ҳозирги ёшлар тобутингни ҳам кўтармайди. Иложи борица машина билан олиб бориб,

автокран билан гўрга қўяди. Э, садқаи йигит кетинглар!

Элмир шунда ҳам кампир ва неварасига ирганиб қаради. Бироқ момо аксига олса, Сайёра ҳақида ҳеч бир маълумот айтмай қўйишидан чўчиди. Хоҳламайгина Сулувни суяди.

— Уни кўтариб ол, — буюрди кампир. — Истасанг қўлларингга, истасанг елкангга.

Ёмғир шиддати пасаймади. Элмир қоровулхонага тезроқ етиш илинжида моховсифат қизни қўлтиқлаб, шошилди. Димоғига шундай бадбўй ҳид урилдики, бундай ҳидни яратган табиатнинг ўзидан ҳам кўнгли қоларди кишининг.

— Ий-й-й... уйй-й... — Сулувнинг бир оёғи судралиб қолди, кир рўмол билан беркитилган оғзидан йиғлоқи нидолар чўзилиб чиқа бошлади.

Орқадан кампирнинг жаҳл билан:

— Барака топгур, кўтар, кўтарсанг-чи, ейилиб қоласанми?! — дегани эшитилди.

Элмир худди келинни кўтаргандек бемор қизни ердан даст узиб олишга ўзида куч тополмади. Елкасига опичлашга эса икки дунёда ҳам рози бўлмасди.

— Нима қилганинг бу?! — кампир Элмирнинг қўлидан тутиб, ўргатди. — Мана бундай ушла, манави жойдан. Энди кўтар. Ҳа, кучинг борми? Фақат доира чаладими бу қўллар? Э, қиз болани кўтаришни саксонга кирган кампир ўргатса... Дунё тескари айланаяпти, шекилли. Ана, энди олға бос, болам.

Элмир ичида сўкинди. Сулувнинг юзи унга жуда яқин эди. Ўғринча кўз қирини ташлаганди, ивиган рўмол йиртиқларида бир жуфт кўз чўғдай ёниб турганини кўрди. Бўстон момонинг ўша куни "Дамас"да Сайёрани ёқтирмаганини, невараси ўн саккизга кирганини айтиб, нимагадир шама қилганини эслади. Сайёра йигирма уч ёшда, Сулув эса ўн саккизда. Кампир "қизларнинг ёшроғи яхши эмасми?" деганида, ўз неварасини — мана шу қизни келинликка таклиф этмаганмикан? "Телба кампирдан ҳар нарсани кутса бўлади, — хаёлидан ўтказди Элмир. — Агар имкон туғилганда, қўлимдаги жирканч қизни жарга ташлаб юборишдан ҳам тоймасдим".

Бир-биридан ёмон хаёллар йигитни тарк этмади. Қизнинг "Дамас"ни булғаб қўйишию, оғзидан кўпик тошиши, узук-юлуқ нидоларию, юзини қоплаган кўрқинчли тошмалар...

Кампир етиб олиб, неварасининг оёқларини ёпишга уринди. Элмир тишини-тишига босиб, қоровулхонага яқинлашаркан, "нега қизнинг оёқлари бунчалик гўзал?" — деб ўйлади.

Ниҳоят, у Сулувни ерга туширди. Кампир қилпилаб эшикни очди-да, беморга жой ҳозирлади.

— Расвом чикди, — деди Элмир уст-бошига назар ташлаб.

— Эшикни ёп, бўсағага стул қўйиб, ўша ерда ўтир, — кампир Сулувнинг устига кўрпа ёпди. — Бизга яқинлашма.

— Нима? Кўзим учиб турибдими?! — тўнғиллади Элмир. Сўнг кампир хоҳлагандек бўсағага жойлашиб олди.

Кампир ўчоққа ўт ташлаб, олов тафти урадиган жойга ўтирди, юзини силади. Тумтайган юзидан ниманидир ўйлаб олаётгани сезилди.

— Сен бола, — деди у бир оздан сўнг, — ўз оёғинг билан келганинг яхши бўлди. Сайёра тўғрисида кимдир қайғуриши керак эди, яхши қилибсан.

— Унга нима бўлганини билмоқчиман.

— Фақат ростини айт, — кампир ўқрайди. — Бизни дашт йўлида учратишингдан аввал кечаси қандай туш кўргандинг?

Элмир бунақа саволни кутмаганди. Асабий қимирлагани учун стул фижирлаб кетди.

— Хўш, қанақа туш кўрибман?

— Элмир қўлларини чалиштирди.

— Марҳума онанг...

— Гапиринг, эшитаяпман.

Момо эҳтиёткорлик-ла давом этди:

— Марҳума онанг сени отга миндирди, тўғрими? От сени олиб қочди. Қаттиқ ерлардан судраб, чопди. Тил тортмай ўлдинг! Ўлсанг ҳам ҳаммасини билиб ётардинг. Сени дафн этишди. Гўринг жуда саёз эди, ўзинг ҳам ёш бола эдинг. Тўғри айтаяпманми? Кўзингни очдинг, қабрдасан.

Тупроқни тимдаладинг, жонинг борица ҳаракат қилдинг. Охири, ердан ташқарига чиқдинг. Қоп-қора тун эди...

— Сиз буларни қаёқдан биласиз? — Элмир чидаёлмай,

сакраб туриб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. — Сайёрага айтганмидим тушимни? Эслолмаяпман, негадир эслолмаяпман... Айтган бўлишим керак... Акс ҳолда, бу момо...

— Жойингга ўтир, доирачи, — амр этди кампир. — Ҳозиргина гувоҳ бўлдинг, менда илоҳий куч-қудрат мавжуд. Аниқроғи, Ҳаёт бахшидан мерос бўлиб ўтди. Сенга барчасини батафсил тушунтириб ўтирмайман. Бунга тушунмайсан ҳам, ишонмайсан ҳам. Балки ўн етти йил болалар уйдан чиқмаганинг илоҳиётга бўлган ишончни уйғотмагандир? А, нима дединг?

— Ҳеч нарса демайман. Сайёрани топиб беринг, бас.

— Тушингнинг давомини сўзлашим шарт эмас. Ич-ичингдан менга тан бериб бўлдинг. Айтмоқчи бўлганим шуки, қабрга қайтган мактублар ҳақидаги афсонамда тилга олганим ўша от билан тушингдаги отнинг ўхшашлиги.

— Ўхшаш бўлса нима бўпти? Сайёранинг бошиниям шунақа қотириб... Лекин айтиб қўяй, бир тола сочи тўкилган бўлса, кимлигингиздан қатъи назар, сизни ўлдираман.

— Ўлдирилмайсан. Қани, ўлдир қўлингдан келса ҳозироқ, — деди кампир. — Менинг айбим йўқ, сен эса ўлдираман дейсан. Сайёра эшигимизни қоқиб, ёрдам сўраганда, қутқардим.

— Эшигингизни қоқиб, ёрдам сўраганда?

— Ҳа, у зўрға етиб келиб, остонага йиқилди. Уни одам боласи таъқиб қилгани йўқ.

Исириқ тутатиб, дуои жонлар билан ҳушини ўзига қайтардим.

— Нега келган экан ёлғиз, пиёда?!

— Руҳларим чақирган.

— Қўйсангиз-чи! Бўладиган гапни гапиринг.

— Ҳаёт бахши вафот этгач, атрофида ҳозир у нозир бўладиган руҳлар менга кўчиб ўтган. Чунки уникига охириги марта борган одам менман. Эслайсанми ўша кунни?

— Хўп-хўп, — деди Элмир аламли тиржайиб, — охириги марта борган одам сизсиз. Неварангиз эса одам эмас, экан-да! Руҳлар ҳам келиб-келиб сизни танлайдиган сассиқ арвоҳлар! Ҳаммасини тушунаман, зўр тушунаман, момо! Бироқ Сайёранинг ёрдам сўраб келиши қизиқ! У нега сиздан ёрдам сўрайди? Нега аллақандай руҳлар уни бундай ифлос жойга чақиради? Шу ҳолингизда, хароб кулда нима каромат кўрсатдингиз?

— Қиз бечорани отдан қутқардим.

— Отдан? Ё тавба, итга ўхшаб ириллайдиган ўша афсонавий отданми?

— Ҳа.

Элмир негадир кампирни яна мазах қилишни, ҳар бир далилнинг устидан кулишни истарди, аммо юрагига алланечук қўрқув тушиб улгурганди. Рўпарасида тирик жодутар ўтирганига ишонч ҳосил қила бошлади ва ишонч ҳосил қилган сайин Сайёранинг қаердалигини шундан бошқа ҳеч ким билмаслигига ҳам амин бўлди.

— Момо, — деди Элмир, — мени ҳеч кимга, ҳеч нарсага ишонмайдиган кимса деб ўйламанг. Нега бунақа инсон эканлигимни ўзим ҳам баъзан тушунмайман. Қачон ушласам, қачон ўз кўзим билан кўрсам, ўшанда тўлиқ ишонаман. Лекин кўнглимнинг бир четида мен ҳеч қачон ушлаб ва кўриб бўлмайдиган мавжудотларга ҳам ишонч бор. Тушимни олайлик. Уни сиз ҳозиргина шундай аниқ айтиб бердингизки, ич-ичимдан музлаб кетдим. Илоҳий кучингизга тараф йўқ. Бироқ... Сайёрани таъқиб қилган отни сиз ҳам кўрдингизми?

— Менинг жисмим бошқа, — тамшанди Бўстон момо, — шунинг учун от менга кўринмади. Кечки пайт бўлгани учун кўролмагансиз, дема. Қоровулхонадан чиққанимда, харобалар ортидан кишнашини эшитдим, холос. Кейин дупур-дупур овозлар қабристон томон кетди.

— От менга ҳам кўринмас экан-да?

— Мана энди ўзингга келдинг, оташ болам, — деди момо бирмунча мулоим овозда. — Сайёра билан шу масалада тортишдик. Мен унга "от Элмирга ҳам кўринади", дедим, холос. Шугина гап! Қиз эшитдию, қулоқларини беркитиб, чинқириб йиғлади. Сени шунчалик севишини ўйламаган эканман. Бир ёқда севги, бир ёқда даҳшатли махлуқ...

— Нега Сайёра иккимизга кўринар экан? Нима бало, бизда қасдингиз борми? Гуноҳимиз

нима? Манави касал неварангизга офиз солмаганим учун дуоибад қилаяпсизми? Билиб қўйинг, мен Сайёрани, албатта, топаман, уйланаман.

— Ундай қилма. Момонгнинг ҳам гапига кир, болам. Неварамга уйланасанми, йўқми, буни вақт кўрсатади. Сулувни ақли заиф, чўлоқ, пес-мохов ва қўтир қилиб кўрсатган бўлсак, энди пари қиёфасида кўрасан. Сулув, тур ўрнингдан. Аканг сени кўрмоқчи.

Қиз кўрпани очиши билан Элмирнинг бурни қўланса ҳиддан ачишиб, бир зумда кўнгли айниди.

— Қисқаси, Сайёранинг қаёққа кетганини айтмайсиз-а? — Эшикка тисарилди йигит.

— Айтсам, ўласан, — деди кампир.

— Тупурдим башоратларингизга!

— Тупурсанг тайинлироқ жойга тупур, — бўш келмади кампир, — кейин ялаш учун ахтариб юрма. Мен сенга чин башоратни айтсам...

— Доно онахон бўлиш ўрнига... аблаҳ кампир экансиз, — деди Элмир эшикни очиб. — Ўша куни сизни Сайёра кўриб қолди. Кампир даштда ёлғиз қолиб кетмасин, деб ғамхўрлик қилди. Касофатингиз уриб, "Дамас" қарғиш теккан маконингизда лойга ботди. Неварангиз билан беминнат олиб келдим, лекин раҳмат ўрнига бошимизга мана шу кунларни солдингиз.

— Неварамга бир қара...

— Қарамайман! — Элмир эшикни қарсиллатиб ёпди-да,

"Дамас" сари чопди. Ёмғир шивалаб ёғарди.

Машинасини ўт олдириб, дашт йўлида газни босди. "Қариндошлариникига бир-бир кириб чиқаман, агар топилмаса милицияга арз қиламан, — деди у. — Бу ерда бир гап бор. Бадбуруш кампирда ҳам, Сайёранинг холасида ҳам. Ким билади дейсиз, балки Сайёрани холаси уриб ўлдириб қўйдимикан? Қора хотиндан ҳар нимани кутиш мумкин. Мени гумон остига қўйиш учун зимдан тайёрланиб юрган бўлса-чи?.. Эҳ, хомкалла, тушимни Отамурод акага айтган эдим-ку!.. Мана, жодугар кампир қаёқдан эшитган!"

* * *

Шундай қилиб, отарчи йигитнинг ҳаётидаги фаройиб ва сирли кунлар бошланди. У буларнинг барчасига боши ила шўнғиб кетганини сезмай қолди. Шу дамгача уйланиш, муҳаббат, кураш хусусида жиддийроқ ўйлаб кўрмаганди. Меҳрибонлик уйдан учирма бўлгач, билим юртида ўқиди. Кўп ўтмай мустақил ҳаёт бошлаб, пул топишга киришди.

Ҳақиқатан, унинг доира чалишда маҳорати зўр эди. Ўзбекона тўйлар Элмирнинг доираси билан янада қизирди ва янада дабдабали тўйларни ёдга соларди. Тўйма-тўй ўйинчилар билан юрадиган, жарақ-жарақ пул ишлайдиган йигитнинг ўттизга кириб ҳам бўйдоқ эканлиги, ҳеч кимни севмаганлиги, ҳеч қайси жувонникида тунаб қолмаганлиги

кимларгадир ишонарсиз туюлар, бироқ йигитни яқиндан таниган инсонлар унинг бир оз ғалати эканлигини айтгач, шубҳа-гумонлар хийла кўтариларди.

Элмирнинг устидан энг кўп куладиган одам Отамурод ака эди. Бироқ Элмир худди шу кимсадангина хафа бўлмасди. Назарида, ҳофиз чин дилдан кулмас, ҳазил-мазах унинг соғлигини сақлаб қоладиган ягона дори эди. Балки шогирди бўлгани учун ҳам Элмир уни бошқалардан кўра кучлироқ тушуна оларди ва ҳазил-мазахларни кўнглига олмасди.

"Дамас" дарвоза тагида тўхтади. Сигнал берилди.

Элмир уй эгасини кутмай, ҳовлига кириб борди.

— Келинг, — пешвоз чиқди ҳофизнинг хотини. Қўлида сувли идиш бор эди. — Ичкарига кираверинг, акангиз ётибдилар, тоблари йўқроқ.

Элмир Отамурод акани кўрпа-тўшакда кўриб, ажабланди.

— Эрталаб яхши эдингиз-ку... — деб бошлаган эди, ҳофиз кулиб:

— Ҳозир ёмонманми? — деди. — Эҳ, кўнгилни кўтариш ўрнига гўрга тикиб қўя қолай, дейди-да булар.

— Яна қон босимими?

— Бу сафар юракнинг гали, ука. Тегирмон навбати билан-да, ахир.

— Укол, дори олдингизми?

— Ғалвир, ука, ғалвир. Бу дейман, ўзингнинг ҳам рангинг синиб қолибди-ю! Тинчликми ишқилиб? Ўладиган отанг бўлмаса, онанг бўлмаса, кимингга

куясан? Ё биздан яширган бола-чақанг борми?

— Сизга куямиз-да, Отамурод ака.

Иккови кулиб олишди. Бир оз қизаринқираган ҳофиз деди:

— Битта энафар тинчимни бузиб кетди.

— Ким эди у?

— Туман газетасига мақола ёзиб юрадиган Шокир ғурра бору?

— Ҳа, танийман.

— Мен унга филологияда эмас, "пулология"да ўқийсан, пул олишни ўрганасан, деб ҳазиллашиб юардим. Буни қара, талабалик пайтидан бери қўли кўксида бола (ҳе, энафар, пешанангдаги ғурра иккита бўлсин сен Шокирчанинг!), тиржайиб, хушомад урадиган мишиқи нима дейди де? Мен қип-қизил отарчи эмишман. Бировларнинг қўшиғини айтиб, пул ишлар эканман.

— Тўғри-да, ўзингизнинг биронта қўшиғингиз йўқ.

— Жим тур, устозинг гапираётганда! — Отамурод ака қўл силтади. — Қўшиқ нима эканлигини тушунадими ўша бола?! Тавба, каттароқ бир газета отарчилар ҳақида мақола ёзиб беринг, деса, фош этаман деб меникига чопиб келибди. Ўзинг отарчисан, ўша газетанг ҳам отарчи, дедим. Мана шу каби журналист, ёзувчи, шоир қиёфасидаги ифлос махлуқларнинг ўзлари отарчи! Нима дединг, етим қўзи, нотўғри гапираяпманми?

Элмир бош силкиб, тўғрилигини тасдиқлади.

— Қара, Элмир, мен минг марта айтганман: қўшиқ ё халқ оғзаки ижодига, ё маълум бир

шахсга тааллуқли бўлади. Тўйларда хизмат қилиб юрган биздек санъаткорларнинг эса ўз қўшиғи йўқ. Хўш, айт-чи, бир камбағал тўй қилаяпти. Тошкентдан санъаткор чақиришга қурби етадими? Ёки бўлмасам, у жодугар эмаски, ўлган одамларни тирилтириб, халқ оғзаки ижодини ўзларига айттирса! Ким айтади? Ким қўшиқларни халқнинг юрагига жонли равишда сингдиради? Биз, албатта, биз! Чекка қишлоқларда Газмановни танимайдиганлар бор, аммо "Эскадрон"ни айтган бола деса, увлаб юборишади. Отарчи эмиш! Отарингни боқдимми, падарлағнати!

— Ҳар бир гапни кўнглингизга олаверасизми, устоз?! — деди Элмир жиддий тортиб. — Ит акиллайди, қурбақа вақиллайди.

— Йўқ, сен унинг нима демоқчи эканлигига эътибор бер!

— Отамурод ака янада қизишди. — Биз ўғри ва тўтиқуш эмишмиз. Тавба, мен қўшиқ ўғирлабманми? Тўтиқушга ўхшаб ўзимни доно билиб, такрорлабманми? Ҳечам-да. Ҳеч унақа ниятим йўқ. Иложи борица маромига етказамиз ва ҳечам ўзимизники ҳисобламаймиз. Кўрдингми, бошимда қанча ғалва билан юраман! Сенга ўхшаб тепса тебранмас бўлсам экан...

— Устоз, мен тебраниб бўлдим. Яқинда қуламасам эди, деб сизникига келгандим.

— Ие, шунақа демайсанми? Қани, пачава қилган ишларингни бир бошдан сўзла-чи. Эшитишимча, уйланаётган эмишсан. Ростми?

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман. — Элмир

Отамурод акага синовчан боқди.

— Ўтган ойда даштдаги қишлоқчага тўйга бораётиб, тушим ҳақида гапиргандим. Эсладингизми?

— Эсимда. Отдан йиқилиб ўлувдим, дегандинг.

— Ўша тушимни кимларгадир айтганмидингиз?

— Воҳ, худонинг қудратидан, тушдан "чп" чиқдими?

— У ёғи билан ишингиз бўлмасин. Тушимни бошқаларга айтиб, кулдирдингизми?

— Кулдирдим.

— Қаерда?

— Нима қиласан? Битта туш экан-ку, Элмир Элмирович.

— Афсуски, бу ерда бошқа гап бор, Отамурод ака. Жиддий масала эканлигини кейинроқ биласиз.

— Ҳали сен хафа бўлиб юрибсанми? Қадаминг узилиб қолганидан сездим-а! Ўҳ... Машинақа жигарларинг жигарингни эзади-да ўзи!

— Отамурод ака...

— Сени укам ўрнида кўрибман-а!..

— Отамурод ака, хафа эмасман. Фақат бир нарсани билмоқчиман: тушимни қаеригача сўзлаб бергандингиз? Бошдан-охир, бутун тафсилотлари биланми? Чала-чулпа, шунчаки кулги учунми?

— Ёмғир ёғаётган эди...

— Тўғри.

— Сен ичкарига киришдан бош тортиб, ҳамма "инструмент"лар билан жўнаб кетдинг. Кетишингдан аввал кайфиятинг йўқ эди. Шунда мен "тушида отдан йиқилиб ўлибди", дедим, холос.

— Фақат шуми?

— Оббо, кеча еган овқатимни эслолмайман. Шу вақтда эзмаландинг-да сен ҳам.

— Бир киши тушимни бошдан-охир, майда тафсилотлари билан сўзлаб берди, Отамурод ака. Нима бу, сеҳргарликми? Наҳотки, ҳаётда сеҳр-жоду, фол-башоратлар ҳақиқий бўлса?! У ҳолда... Йўқ-йўқ, мен, барибир, ишонолмаяпман, умуман олганда... тушунмаяпман. Гўё кимдир мен билан қалтис ўйин қиляпти.

— Ким сўзлаб берди?

— Бир кампир. Жийдалидаги харобазорда невараси билан яшайди.

— Асабингни буздими, ишқилиб?

— Бузиш ҳам гапми! Мен уйланмоқчи бўлган қизни васвасага солиб, кўздан йўқотди.

Отамурод ака жонланиб, ёстиқ сари силжиди, гавдасини ярим кўтариб, суяниб олди-да, хотинини чақирди. Тақир-туқур қилиб юрган аёл лип этиб остонада намоён бўлди...

Давоми бор.

**Давомини ўқиш учун
телеграмдаги +99897 7138577
рақамига мурожаат қилинг!**